БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши № 262 (13.218).
7 НОЯБРЬ 1965 йил ЯКШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

БУЮК ОКТЯБРЬ

Йиллар ўтган сайин
Порлар равшанроқ,
Буюк асримизга бағишлайди қадр.
Бошида шафақранг
Қирмизи байроқ,
Жаҳоннинг тақдири буюк Октябрь
Октябрь тонгини
Хушнуд қаршилаб,
Нурли чеҳрасидан олмасман кўзим.
Октябрь порлайди
Менинг аршимда —
У менинг қуёшим, бахтим, кундузим.
Ер шари қуёшга интилгансимон
Унга талпинади бор инсоният.
Ҳали алғов-далғов тўла бу жаҳон
Ундан эртасини қилади ния.
Равшан уфқларга,
Боқиб мардона,
Ватаним бастига боққаним маҳал,
Қаршимда нурланиб
Улуғ замона,
Ленин шуҳридан топади сайқал.
Тун зулматин қувлаб
Борган янглиғ тонг
Алвон шўъла ёнар қитъалар узра.
Янгича фалсафа,
Янгича бир онг
Халқлар манглайини безаган Зуҳра.
Янгича бир қудрат,
Янги ирода
Тарих томирига бахш этмоқда куч.
Октябрь — бу кучни
Этсам ифода,
Саодат шўъласи, уфқларни қуч!

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

В. Евенко чизган расм.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҚИРҚ САККИЗ ЙИЛЛИГИ

Кремлнинг Съездлар саройида 1965 йил 6 ноябрдаги тантанали мажлисда ўртоқ Д. С. ПОЛЯНСКИЙ доклади

Азиз ўртоқлар!

Совет давлати вужудга келганидан бери Ватанимиз халқлари, бутун дунё меҳнаткашлари ўзларининг энг катта байрамларини — Октябрь социалистик революциясининг йилдаги ҳар йил алоҳида ҳурсандлик билан нишонлаб келмоқдалар.

Ленин бошчилик қилган Коммунистлар партияси Россия ишчилари ва деҳқонларини капитализмга қарши зафарли штурмга бошлаган кунлардан бери орадан 48 йил ўтди. Ўша штурм революциянинг қудратли тўлқини эди. Бу революцион тўлқин эксплуатацияга асосланган тузумни ағдариб ташлади. Янги типдаги давлат — социалистик давлат пайдо бўлди. Кўп миллатли Россия халқлари учун, бутун инсоният учун янги тонг отди, тарихнинг янги саҳифаси очилди.

Вақт ўтган сари биз ана шу улуғ санадан тобора узоқлашмоқдамиз. Лекин унинг жаҳоншумул — тарихий аҳамияти тобора равшанроқ бўлиб қолмоқда. Зафарли социализм мамлакати бўлган Совет Иттифоқи эндиликда бамисоли азим тог бўлиб турибди. Бошқа кўпгина давлатлар бизнинг ўрнак олиб социализм қурмоқдалар. Империализмнинг мустамлакачилик системасини емириш миллий озодлик ҳаракатининг зарбалари остида поёнига етказилмоқда. Меҳнаткашларнинг илғор отрядлари бўлган коммунистик ва ишчи партиялар ўсиб бормоқда, тинчлик ишининг актив ҳимоячилари сафи кўпайиб бормоқда. Эндиликда ҳозирги замон жамияти ривожланишининг бош йўлини ва хусусиятларини капитализм эмас, балки жаҳон социализм системаси ҳамда империалистик зулмга қарши курашаётган халқлар белгилаб бермоқда, буржуазия эмас, балки жамиятни социалистик қайта қуриш учун курашаётган халқаро ишчилар синфи кучлари белгилаб бермоқда.

Совет кишилари бутун мана шу вақт давомида Ватан қудратини мустаҳкамлаш ва энг яхши турмуш учун тинмай қизғин кураш олиб бордилар. Ватанни душманлардан ҳимоя қилмоқ учун жуда катта куч ва ғайрат сарфлашга тўғри келди. Октябрнинг қирқ саккизинчи йили, аввало, шу жиҳатдан ажойиб дирки, бу йил муҳим давр—халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик даври тугалланади, Коммунистик партия белгилаб берган катта иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатга раҳбарлик қилиш услубини ва методларини такомиллаштириш режаларини амалга ошириш йўлида катта иш бошлаб юборилди.

Октябрь революциясидан кейин босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, партиямиз, бутун совет халқи революция иши мустаҳкамланганлиги ва кўпайтирилганлиги, биринчи бўлиб социализм қуришдан иборат тарихий вазифа бизнинг зиммамизга тушганлиги билан ҳақли равишда фахрланадилар. Ижтимоий турмушнинг энг мукаммал тузумига — коммунизмга олиб борадиган биринчи йўлларни очиб бериш шарафи бизнинг мамлакатимиз зиммасига тушди.

Бу эса совет кишиларини янги ажойиб ишлар қилишга, қаҳрамонона меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

I. ОКТЯБРЬ ИДЕЯЛАРИНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК КУЧИ

Одат бўлиб қолган яхши традицияга кўра, Октябрь байрами кунларида совет халқи ўзи бажарган ишларни якунлайди, ўзининг кўп қиррали фаолиятининг сиёсий ва хўжалик натижаларини анализ қилиб чиқади. Бу эса Октябрь идеяларининг яратувчилик кучини, бундан буёнги ривожлани шимизнинг истиқболларини тағин ҳам яхшироқ кўриб туришимизга имкон беради. Бу эса Коммунистик партиямиз ленинча сиёсатининг тўғрилигига ва буюклигига бўлган ишончимизни тағин ҳам кўпроқ кучайтиради.

Қолоқ Россияни қудратли индустриал ва колхоз давлатига, юксак маданиятли мамлакатга айлантириш тўғрисида Ленин ишлаб чиққан программани амалга ошириш, маълумки, халқнинг ғоят катта, ҳақиқатан ҳам жуда зўр куч ва ғайрат сарфлашини талаб қилди.

1917 йилнинг октябрида ҳокиниятни қўлга олиш мураккаб вазифа бўлган эди, лекин контрреволюция ва интервенциячиларга қарши олиб борилган жангларда бу ҳокиниятни қўлда сақлаб қолиш тағин ҳам мураккаброқ иш бўлиб қолди. Совет ҳокиниятини қўлда сақлаб қолиш қийин иш эди, лекин Россия сингари мамлакатда четдан иқтисодий ёрдам олмай, душман қуршови ичида туриб қудратли саноат вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш бундан ҳам кўра қийинроқ иш бўлди. Совет кишилари бу вазифаларнинг уддасидан чиқдилар. Улар Ватан мустақиллигини таъминламоқ, ижтимоий бойликни ўстиришга ва турмушни яхшилашга керакли мустаҳкам негизни барқарор қилмоқ учун қурбонлар беришдан ва маҳрумликларга чидашдан қайтмадилар. Ишчи ва деҳқонлар меҳнаткаш зиёлилар билан биргаликда Коммунистик партия кўрсатган йўлдан борганликлари, партиянинг социализм қуриш программасини ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилганликлари учун бу вазифанинг уддасидан чиқа олдилар. Халқимизнинг ўз партияси раҳбарлигида танлаб олган йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигини тарих кўрсатди.

(Давоми 2-бетда)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. П. Кириленко ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Чили парламент делегацияси аъзоларидан бир группасини — Халқ ҳаракати фронтига кирувчи партияларнинг намояндалари: сенаторлардан Анисето Родригес (Социалистик партия) билан Володя Тейтельбоймни (Коммунистик партия), шунингдек социалист депутатлардан Рамон Сильва билан Эдуардо Осориони 6 ноябрда суҳбатлашиш учун қабул қилдилар.

Суҳбат самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Кремлдаги Съездлар саройида 6 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Мажлис Президиумида Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари бор эди.

Мажлисни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский шонли санага бағишланган доклад қилди. (ТАСС).

(Ўртоқ Д. С. Полянский доклади «Совет Ўзбекистони»нинг биринчи, иккинчи ва учинчи бетларида босилмоқда).

ҒИЖДУВОНДА В. И. ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

ҒИЖДУВОН, 6 ноябрь. (ЎзТАГ). Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги арафасида район маркази майдонида Совет давлати ва Коммунистик партиянинг асосчиси В. И. Ленин ҳайкали очилди. Митинг қатнашчилари ҳайкал ёнига гулдасталар қўйдилар.

АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ БАЙРАМГА ТУҲФАСИ

766 МИНГ ТОННА АНДИЖОН ПАХТАСИ ТАЙЁР!

«Оқ олтин» етиштириш бўйича мамлакатда етакчи область — Андижон области деҳқонлари ўзларининг етти йиллиннинг охирги йили программасини муваффақиятли бажариш учун бошланган мусобақада қўлга киритган шонли меҳнат ғалабаси тўғрисида Ватанга рапорт бермоқдалар. Область колхоз ва совхозлари 766 минг тонна пахта топширди. Давлат план-заказ бажарилди. Андижонликлар ўзларининг бу улкан муваффақиятини КПССнинг бўлажак XXIII съездига бағишламоқдалар.

Бироқ область далаларида эўр бериб ишлаш давом этмоқда. Область меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна қўшимча суратда ўн мингдаб тонна ҳосил етказиб беришга қарор қилдилар. Қўрғонтепа, Бўз ва Задарё районлари, шунингдек Чуст, Наманган, Москва ва Учқўрғон районларининг хўжаликлари майдонларни гўзапоядан тозалаб бошладилар. Ерлар баҳорга тайёрлана бошланди.

Қўлга киритилган муваффақиятда механизаторларнинг ҳиссаси катта. Улар уч мингдан ортиқ «зангори нема»лар билан қарийб 150 минг тонна пахта йиғиштириб олдилар.

Чуст деҳқонлари топширинни мисли кўрилмаган эрта муддатда бажардилар. Ҳосилни тез суръатларда ва сифатли қилиб йиғиштириб олиш учун бошланган республика мусобақасининг ташаббускорлари бўлган «Гулбоғ» ва «Восток» совхозларининг коллективлари ўз сўзлари устидан чиқдилар. Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг меҳнаткашлари 45 центнерли марра сари муваффақиятли бормоқдалар. Ленин районидаги «Правда Востока», Чуст районидаги «Ўзбекистон», Андижон районидаги «Коммуна», Москва районидаги «Ленинизм», Учқўрғон районидаги Ленин номли колхозларда мўл ҳосил олинди.

Республикада хизмат кўрсатган механизаторлар Маннон Жалолов ва Мамажон Дадажоновларнинг ҳар бири ўз машиналари бункеридан 300 тоннадан ошириб пахта тўкиб, юзта малакали теримчиларнинг мавсум нормасини бажардилар. Кўрғондаги «Партия XX съезди» колхозида ишлаётган коммунист Маннон Жалолов «Савай» совхозидаги дўстларига ёрдамга келди ва совхоз далаларида икки юз тоннадан ортиқ пахта терди. Механик ҳайдовчиларга Жўра Дадахонов, Ўринбой Бойимрзаев, Содиқ Шарипов, Содиқ Усмонов, Раҳимжон Дадажонов ва бошқалар топширинни ошириб адо этдилар. Комплекс механизациялашган бригадалар яхши натижа бердилар. Бундай бригадаларнинг сони Андижон областида икки юздан кўпроқ. Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг Абдиғаффор Отахонов бригадаси гектаридан 50 центнердан ошириб ҳосил олди. Чуст районидаги Навоий номли колхознинг Кийикбой Ханишев, Мавлуда Тешабоева бригадалари гектаридан 41 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олди.

Андижон областининг дала меҳнаткашлари КПССнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёрланиб, давлатга гўшт, дон, пилла, жун, сабзавот, тухум сотиш планини ошириб бажардилар. Андижонликлар бу мавсумда саккиз юз минг тоннагача пахта йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Шунда гектаридан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 27,2 центнерни ташкил этади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

СССР олтинчи чақириқ Олий Советининг еттинчи сессияси 1965 йил 7 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1965 йил 5 ноябрь.

ПАҲЛАВОН АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА КАТТА ЗАФАР БИЛАН КЕЛДИЛАР, ВАТАНГА 766 МИНГ ТОННА ПАХТА ТОПШИРИБ, ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР.

ЎРТОҚ Д. С. ПОЛЯНСКИЙ ДОКЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Бу йил бизнинг мамлакатимиз фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлади. Уруш совет тузуми учун жуда қаттиқ синов бўлди. Бу уруш халқимизнинг ҳамма қучларини беғиҳоя сарфлаб ишлашини, фидокорона бардамлик ва оммавий қаҳрамонлик кўрсатишини талаб қилди. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия теварагида янада маҳкам жипслашиб олган халқимиз душманнинг зарбаларига бардош бериб, давлатимизни сақлаб қолди, сўнгра эса душманни тор-мор келтирди. Шундай шижоат кўрсатилишига имкон берган нарса социалистик қурилиш йилларида Ватани ҳимоя қилмоқ учун мустаҳкам моддий техника базаси вужудга келтирилганлигининг ўзигина сабаб бўлгани йўқ. Партия билан халқнинг бирлиги, жангларда ва меҳнатда кўрсатилган қаҳрамонликлар совет тузумининг енгилмаслигини таъминловчи асосий манба бўлди!

Урушнинг оғир жароҳатларини битказиб олиш учун жуда катта меҳнат сарфлашга ва жонбозалик кўрсатишга тўғри келди. Совет экономикасининг ҳолатини анализ қилишга уринаётган буржуя экономистлари ҳамиша шу нарсани «унутиб» қўймоқдаларки, фашистлар бизнинг мамлакатимизда 1700 дан кўпроқ шаҳар ва поселкани, 70 мингдан кўпроқ қишлоқни вайрон қилган, жуда кўп ўн минглаб саноат корхоналарини, колхозлар ва совхозларни талаб, емирио ташлаган, миллион-миллион тинч аҳолини қириб юборган эди. Шу қадар катта талафотлар ва қурбонлар берилганлигига қарамай, совет кишилари вайрон қилинган нарсаларнинг ҳаммасини қисқа муддат ичида тиклаб олишга, хўжаликни янада ривожлантириш ишида муваффақиятлар қозонишга, янги, катта планларни амалга оширмоқ учун зарур шарт-шароит вужудга келтиришга муваффақ бўлдилар.

Шу йилнинг бошига келиб, СССРдаги саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи маҳсулоти 1913 йил дагига нисбатан 56 баравар кўпайди, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эса 130 баравар ошди. Саноат маҳсулотини ўстиришнинг ҳар йилги ўртача суръати урушдан олдинги ўн бир йил мобайнида (1930—1940 йиллар) ва Улуғ Ватан уруши йилларидан ташқари, урушдан кейинги 20 йил мобайнида (1946—1965 йилларда) 13,2 процентдан кам бўлмади. Шу қадар катта давр учун бу жуда юксак кўрсаткичдир. Маълумки, АҚШда саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг ҳар йилги ўртача суръати мазкур вақт учун атиги 2,7 процент, яъни биздагига қараганда беш баравар кам бўлди.

Кейинги етти йил ичида СССР саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми пландаги 80 процент ўрнига 84 процент кўпаяди. Бу йил саноатнинг ялпи маҳсулоти 229 миллиард сўмни ташкил этиши лозим. Ҳақиқатда эса бу соҳада мўлжалланган кўрсаткичлардан биринчи ноябрдаёқ ошиб кетдик. Демак, индустрия ходимлари умумхалқ байрами бўлган Октябрь байрамини етти йиллик планни муддатидан олдин бажариб кутиб олмоқдалар.

Етти йиллик мобайнида бир қанча йирик саноат тармоқлари жуда тез ривожланди. Пўлат эритиш 66 процент кўпаяди. Электр энергия ҳосил қилиш ва нефть чиқариш 2 баравардан зиёдроқ кўпаяди. Машинасозлик ва химия саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш қариб икки ярим баравар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпаяди.

Бу йил мамлакатимизда 90 миллион тоннадан кўпроқ пўлат эритилади, 72 миллион тонна цемент оламиз, 242 миллион тонна нефть чиқарамиз; электр энергия ҳосил қилиш 509 миллиард киловатт—соатга етказилади. Ҳозирги вақтда бизнинг электр станцияларимиз чор Россиясида бутун 1913 йилда ишлаб чиқарилган электр энергиядан кўпроқ энергияни бир ярим кун ичида ишлаб чиқармоқда. Ҳозир саноатда меҳнатнинг (ҳар бир ходимга ҳисоблаганда) энергия билан таъминланганлиги 1940 йилги даражадан 3,5 баравардан зиёд ошиб кетди.

Капитал қурилиш ҳажми анча ошди. Етти йил ичида беш ярим мингдан кўпроқ йирик саноат корхоналари қурилди ва ишга туширилди. Бу йил халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига биринчи ва иккинчи беш йилликларда сарфланган жамики маблағдан икки баравар кўп маблағ сарфланади. Индустриямиздаги ишлар мана шу тахлитда ривожланиб бормоқда.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигига доимий эътибор бериб келмоқдалар. Ленин, мустаҳкам қишлоқ хўжалик базаси бўлмаса ҳеч қандай хўжалик қурилиши бўлиши мумкин эмас деган эди. Колхоз тузумининг ғалабаси қишлоқнинг қиёфасини ўзгартириб юборди, қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан таъминланганлигини ва унумдорлигини анча оширди. Урушдан олдинги йилларда совет қишлоғи бир талай муваффақиятларга эришган эди. Лекин уруш колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига оғир зарбалар берди. Бу ҳаётий муҳим тармоқни янада юксалтириш учун бир талай куч ва ғайрат сарфлашга тўғри келди.

Мана шундай куч ва ғайрат сарфлаб қилинган ишларнинг натижаларини ҳамма билади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1950 йилдаёқ урушдан олдинги кўрсаткичларга етиб олди. Бу ялпи маҳсулот ўтган йил 1940 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўп бўлди. Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, кейинги вақтларда колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши бир текисда ривожланмади. Олтмишинчи йилларда унинг ўсиш суръатлари пасайди; натижада етти йиллик планда белгиланган топшириқларни бажариш учун жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Маълумки, қишлоқ хўжалигини планлаштиришда, пул ва кредитлар билан таъминлашда, нархларни белгилаш сиёсатида йўл қўйилган хатолар, раҳбарлик қилишдаги субъективизм ва бошқа факторлар бунга асосий сабаб бўлди.

КПСС Марказий Комитети мана шу қамчиликлар ва хатоларнинг ҳаммасини очиб ташлаб, колхозлар ва совхозлардаги ишларни яхшилашнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган кенг программасини белгилаб берди. Бу программани амалга оширишнинг натижалари тўғрисида гапириш учун ҳали вақт эрта; бу программа узоқ даврга мўлжалланган программадир. Лекин мўлжалланган тадбирларнинг қай даражада самарали эканлиги тўғрисида ҳозироқ ҳам фикр юритиш мумкин.

Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари бу йилги қийин обҳаво шароитида ҳамма ишларни ҳар қачонгидан кўра анча яхшироқ ташкил эта олдилар. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти серҳосил 1964 йилги кўрсаткичлардан, эҳтимол, 2-3 процент камроқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда умуман бу ялпи маҳсулот бошқа ҳар қандай йилда эришилган даражадан ошиқроқ бўлади.

Бир қанча районларда қурғоқчилик бўлганлиги сабабли харид қилинган дон планда мўлжалланганидан камроқ бўлади. Лекин партия Марказий Комитети ва ҳукумат аҳолини ғалла билан нормал таъминлаб туришга, мамлакатнинг ғалла маҳсулотларига бўлган бошқа эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган чора ва тадбирларни кўриб қўйдилар. Шуни айтиб ўтиш керакки, бир қанча жуда керакли озиқ-овқат экинлари ҳосилини, айниқса крупа бўладиган дон экинлари ҳосилини тайёрлаш анча кўпаяди; гречиха ва шоли ўтган йилдагига қараганда бир ярим баравар кўп тайёрланди.

Яна бир муҳим нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда колхозлар ва совхозларда ўзларининг ички эҳтиёжларига керакли дон ўтган йилдагига тахминан тенг келадиган миқдорда қолдиришди. Улар уруғликни етарли миқдорда ғамлаб қўйдилар, колхозчиларнинг меҳнатларига тўланадиган ҳақ учун озиқ-овқат маҳсулотларининг анчагина қисмини ажратиб қўймоқдалар, чорва моллар учун аралаш ем запасларини ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпайтирдилар.

Бу йил қанд лавлаги, картошка ва сабзавотдан, шунингдек кунгабоқардан яхшигина ҳосил етиштирилди. Пахтакорлар айниқса катта муваффақиятга эришдилар. Улар бу йил жуда яхши ишладилар. Бу ишнинг натижалари ҳам кўриниб турибди: «оқ олтин» деб аталаётган пахтанинг ялпи ҳосили ҳозир рекорд кўрсаткичлардан ошиб кетди. Бу жуда қимматли маҳсулотни харид қилиш давлат плани бажарилиб бўлди ва анча ошириб бажарилади.

Чорвачиликдаги аҳвол сезиларлик равишда яхшиланди. Бу тармоқни ривожлантиришда бу йил учун характерли бўлган нарса шуки, колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотини етиштириш ва давлат йўли билан тайёрлаш ўсиб борганлиги билан бир вақтда чорва туёғи ҳам кўпаймоқда ва унинг маҳсулдорлиги ошмоқда. Бу эса сут, тухум ва жун харид қилиш йиллик планини 1 ноябргача ошириб бажаришга имкон берди. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида 34,9 миллион тонна ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 7,2 миллион тонна кўп сут харид қилинди. Тухум 9,7 миллиард дона, ёки 1964 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,1 миллиард дона кўп, жун 364 минг тонна ёки 21 минг тонна кўп харид қилинди. Сут, тухум ва жунни пландан ташқари харид қилиш давом этмоқда. Умуман бутун мамлакатда ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут фақат 9 ойнинг ўзидагина 295 килограмм кўпайди. 1 ноябрга қадар 8,1 миллион тонна — ўтган йилдагига қараганда 1 миллион тонна ёки 14 процент кўп чорва ва парранда (тирик вазида) харид қилинди.

Асоссиз чеклаб қўйишлар бекор қилинганидан кейин колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликларида чорва ва парандалар ҳам кўпайиб қолди. Чорвачиликнинг ошиқча маҳсулотларини колхоз бозорларига чиқариб сотиш кўпайди ва шу маҳсулотларнинг нархи пасайди.

КПСС Марказий Комитети қарорларининг амалий кучи, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларинингташаббускорлиги ва активлиги ошиб бораётганлиги ҳозир мана шу фактларнинг ҳаммасида кўриниб турибди.

Маълумки, мамлакатнинг миллий даромади ҳам социалистик экономиканинг ривожланаётганлигини билдирувчи асосий кўрсаткичлар қаторига киради. Мамлакатнинг миллий даромади кейинги ўн йил ичида икки баравардан зиёдроқ, 1940 йилдагига нисбатан эса 5,9 баравар кўпайди. Шу муносабат билан, аҳолининг реал даромадлари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу йил 1940 йилдагига нисбатан ишчи ва колхозчиларнинг реал даромадлари (ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда) 2,5 баравар, деҳқонларники эса қариб уч баравар кўпаяди. Меҳнаткашларнинг пул даромадлари ўсганлиги аҳолининг турмуш даражаси ошганлигини билдирувчи муҳим кўрсаткичдир. Бу йил мана шу даромадлар ўтган йилдагига нисбатан 10 процентдан зиёдроқ кўпаяди.

Халқ истеъмол қиладиган моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилмоқда. Озиқ-овқат моллари сотиш урушдан олдинги даражага нисбатан уч баравардан зиёдроқ, етти йил мобайнида эса 50 процентдан зиёдроқ кўпайди. Устки ва ички кийимлар, трикотаж буюмлар ва чарм пойафзал, мебель ва холодильниклар, телевизорлар ва соатлар, радиоприемниклар ва велосипедлар ва бошқа шунингдек кўпгина саноат моллари бундан ҳам кўпроқ сотиладиган бўлиб қолди.

Маориф, соғлиқни сақлаш, савдо ходимларининг ҳамда аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа хўжалик тармоқлари ходимларининг иш ҳақи оширилганлиги ҳам аҳоли харид қобилиятининг ўсишига ёрдам бермоқда. Жами 20 миллион ишчи ва хизматчининг иш ҳақи оширилди.

Меҳнатга тўланаётган ҳақ совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаидир. Шу билан бирга, истеъмолнинг ижтимоий фондлари бу соҳада тобора кўпроқ сезиларли роль ўйнамоқда. Бу — социалистик тузум вужудга келтирган янги ҳодисадир. Бундай фондлар ўтган йил қариб 37 миллиард сўмга етган эди, бу йил эса 41миллиард сўмга етказилади. Бу ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда қариб 400 сўмни ташкил этади. Шу фондлар ҳисобидан фақат текин ўқитишгина таъминланиб қолмасдан, шу билан бирга соғлиқни сақлаш, болалар яслилари ва боғчаларни сақлаш, меҳнаткашларнинг дам олиши, пенсиялар, нафақалар ва турли имтиёзларни тўлаш ҳам таъминланмоқда. Давлат уй-жой қурилишига ҳам жуда катта маблағ сарфламоқда. Кейинги ўн йил ичида мамлакат аҳолисининг қариб ярмиси янги уйларга кўчиб ўтди ёки ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Моддий ишлаб чиқариш ўсаётганлиги билан бир қаторда, ижтимоий тузумимизнинг маънавий бойликлари ҳам кўпайиб бормоқда, янги совет киши ўсмоқда. Ватанимиз ҳозирги вақтда том маъноси билан илғор давлат бўлиб қолди, юксак маданият ва биринчи даражали фан мамлакати бўлиб қолди. Социализм ҳамма меҳнаткашларга билим йўлларини, ер юзидаги ишларда ва космосни ўзлаштиришда ажойиб муваффақиятларга эришиш йўлларини очиб берди. Ҳозир ўқишнинг ҳамма турларида 70 миллионга яқин киши шуғулланмоқда. Ўзингиз ўйлаб қаранг: аҳолининг 75 процентидан кўпроғи, 176 миллион киши — Совет ҳокимияти даврида туғилган кишилардан иборатдир.

Мамлакатимизда совет зиёлиларининг кўп миллионли армияси ўсиб етишди. Бу зиёлилар халқ орасидан етишиб чиқди ва халққа хизмат қилишни ўзининг олижаноб вазифаси, ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билмоқда. Турмуш билан, гигант қурилиш практикаси билан чамбарчас боғланган совет зиёлилари ҳақли равишда меҳнаткашларнинг меҳр-муҳаббатига ва ҳурматига, ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлди. Олимларимиз ва конструкторларимиз, адабиёт ва санъат арбоблари, матбуот, радио ва телевидение ходимлари, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш, маданий муассасаларнинг ходимлари ҳамда совет зиёлиларининг бошқа ҳамма отрядлари бундан буён ҳам давримизнинг буюк ишига муносиб равишда хизмат қила беришларига совет кишиларининг имони комил.

Биз эришган ютуқларнинг ҳамма мамлакатнинг маданий турмуши ўсганлиги билан, омма коммунистик руҳда тарбияланаётганлиги билан узвий равишда боғланганлигини тажриба кўрсатиб турибди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг авж олганлиги, рационализаторлик ва ихтирочилик кенгайиб, ўсиб бораётганлиги бунинг ёрқин намунасидир. Миллион-миллион коммунистик меҳнат зарбдорлари давримизнинг илғор кишиларидир, улар бўлажак жамият одамининг ахлоқини ишлаб чиқаришда ва турмушда дадиллик билан ўрнатмоқдалар. Совет халқи улар билан ҳақли равишда фахрланади, уларнинг муваффақиятларидан қувонади!

Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси Коммунистик партия кўйган вазифаларни комил ишонч билан ҳал қилмоқдалар. Совет Иттифоқи бундан буён ҳам халқаро социализмнинг машъали, бутун дунё меҳнаткашлари учун намуна бўлиб қолсин, деб улар ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

II. ХЎЖАЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХАЛҚ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Коммунистик партия Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш планларини амалга оширар экан, ишлаб чиқаришни тағин ҳам юксалтириш, халқ ҳаётини яхшилаш манфаатларини кўзлаб, партия ва давлат раҳбарлигининг услубини ҳамда методларини такомиллаштиришга, социализмнинг иқтисодий қонунларидан тўғри фойдаланишга ҳозир алоҳида эътибор бермоқда.

Ўтган йил октябрь ва ноябрь ойларида КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари бўлиб ўтди. Ана шу Пленумларда қабул қилинган қарорларнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бу қарорлар барча ҳаётий муҳим проблемаларни муҳокама қилишга чинакам илмий муносабатда бўлиш вазифасини партия билан халқнинг диққат марказига қўйди, субъективизм ва волюнтаризм кўринишларини қоралади, партия ташкилотларини тузишнинг ленинча принципларини тиклади. Бу қарорларнинг тарихий аҳамияти ана шундан ҳам иборатки, улар партиянинг коммунизм галабасини кўзлаб ишлаб чиққан йўлини анча изчиллик билан амалга ошириш имкониятини бермоқда.

Партиянинг ички масалалари дадил ва объектив муҳокама қилинганлиги — КПСС, унинг Марказий Комитети Ленин таълимотига, ленинча раҳбарлик принципларига содиқлигини кўрсатувчи далилдир. Бу принципларнинг қайта тикланганлиги партиянинг бирлигини янада кўпроқ мустаҳкамлади, партия сафларининг жанговарлик қобилиятини оширди. Ҳозир жамиятимизнинг ҳаётида шундай вазият вужудга келтирилиб, шундай иш услуби қарор топтирилмоқдаки, бу ҳол халқ ташаббускорлиги ва ижодий тафаккури бор кучи билан кенг авж олишига, мамлакатимизнинг энг бой ресурсларидан, социалистик тузум замиридаги имкониятлардан энг яхши фойдаланишга имкон бермоқда.

Ҳозирги вақтда партиянинг иқтисодий сиёсати халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий эҳтиёжларига энг кўп даражада мос бўлиб тушмоқда. Бу сиёсат КПСС Марказий Комитетининг (шу йилги) март ва сентябрь Пленумлари қарорларида, Л. И. Брежнев билан А. Н. Косыгиннинг ана шу Пленумлардаги докладларида баён қилиб берилди.

Гап фақат янги ўзгаришлар устида эмас, балки ҳамма томонларни қамраб олувчи чуқур иқтисодий ислоҳот ўтказиш тўғрисида, саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликдаги оғирлик марказини жамиятимизнинг хусусиятига тўла мос бўлиб тушадиган сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан энг мақсадга мувофиқ методларга кўчириш ҳақида бормоқда.

Белгиланган тадбирларни амалга оширишдаги асосий мақсад — марказлаштирилган планли раҳбарликни республикалар ва маҳаллий органларнинг кенг ташаббускорлиги билан моҳирона боғлаб олиб боришни таъмин этишдан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда моддий рағбатлантириш принципларини тўғри қўллашдан иборат. Ҳозирги вақтда социализм иқтисодий қонунларининг таъсирини пухта ҳисобга олиш плянларни қатъиян илмий асосда тузиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда ва аввало, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида тўғри нисбат бўлишига эришиш айниқса зарур.

Саноат — бутун социалистик экономиканинг, халқ моддий фаровонлигини ўстиришнинг, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг негизидир. Саноатни ҳар тарафлама ривожлантириш — коммунизм моддий-техника базасини муваффақиятли суратда барпо этишнинг энг биринчи шартидир. КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленуми томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар худди мана шу улкан вазифани ҳал қилишга қаратилган.

Бошқаришнинг тармоқ принципига кўчирилганлиги ягона техника сиёсатини ўтказишга, халқ хўжалигидаги ҳар бир тармоқнинг самараларини оширишга имкон беради. Янгидан ташкил қилинган министрликлар хўжалик ҳисоби методлари билан иқтисодий стимулларнинг роли кучайтирилаётган, корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқлари ва ташаббускорлиги анча кенгайтирилаётган шароитларда ишлай бошлайди. Бу министрликлар саноатни комплекс ривожлантиришни таъминлашга, тармоқларга марказлаштирилган тартибда раҳбарлик қилишни тармоқлараро территориал координациялаш билан моҳирона боғлаб олиб боришга даъват этилгандирлар.

Ҳозирги замон шароитида бошқаришни ва планлаштиришни яхшилаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий стимулларини кучайтириш бениҳоя катта аҳамият касб этмоқда. Бу тадбирлар даставвал ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишни таъмин этади.

Корхоналарнинг коллективларига кенг ҳуқуқлар бериб қўювчи янги бошқарув формалари ҳар бир корхонани ўз фаолиятига жамоат бойлигига қўшган конкрет ҳиссасига қараб баҳо бериладиган шароитга солиб қўяди. Бу эса ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун, унинг рентабелли бўлиши учун энг кучли имкониятлар вужудга келтиради.

Экономикамизни ривожлантириш суръатларини, ижтимоий ишлаб чиқариш самараларини янада ошириш ҳозирги кунинг туб проблемасидир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш фондлари йиллик ўсишининг ўзи 1913 йилда эски Россия эга бўлган барча ишлаб чиқариш фондларидан ошиб кетмоқда. Ҳар қандай корхонада ишни рационал ташкил этиш жуда муҳим аҳамият касб этаётганлиги тушунарлидир. Шуни айтиш кифояки, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмидан олинаётган фойда атиги бир тийин оширилса, мамлакатнинг миллий даромади 3 миллиард сўмдан зиёд кўпаяди. Мана шу маблағ ҳисобига 500 мингдан ортиқ шинам квартира қуриш мумкин бўлур эди.

Саноатни ривожлантириш суръатларини тобора кўп даражада техника тараққиёти белгилаб бермоқда. Фан билан ишлаб чиқаришни бир-бирига тағин ҳам маҳкамроқ ва мустаҳкамроқ пайвандлаб юборишни, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳамкорликда яратиш ва халқ хўжалигига жорий этишни турмуш талаб қилмоқда. Мана шу сабабдан ҳозир меҳнатни ва ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий асосларда ташкил этиш масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Биз ҳамма соҳаларда ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда бўлишини, саноатнинг ғоят катта имкониятлари ва резервларидан рационалроқ фойдаланишни таъмин этишимиз мумкин ва керак.

Маҳсулот сифатини яхшилаш проблемаси жуда катта аҳамиятга эга. Бу фақат хўжалик проблемаси бўлиб қолмай, шу билан бирга барча меҳнаткашларнинг манфаатларига дахлдор бўлган катта социал проблема ҳамдир. Сифат тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат моддий чиқимлардан ва пул маблағларидан оқилона фойдаланишгина билдирмайди. Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига ҳаракат қилиш билан барча совет кишиларининг манфаатлари ҳақида, ўзининг шахсий манфаатлари тўғрисида қайғураётганлигини ҳар бир ходим тушуниб олиши мутлақо шарт. Ёмон сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш-фақат ишлаб чиқаришга, бутун жамиятга зиён етказиш эмас, шу билан бирга ўз-ўзини, ўзининг меҳнатдош ўртоқларини ҳурмат қилмаслик демакдир. Барча совет маҳсулотининг — ҳам мамлакат ичкарисида истеъмол қилинаётган, ҳам чет элларга чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир ходимнинг ватанпарварга хос фахрли иши бўлмоғи керак. Маҳсулотимизнинг жаҳондаги энг яхши стандартлар даражасида бўлишига ҳаракат қилиш — биз ҳал этишимиз мутлақо шарт бўлган катта ва олижаноб вазифа бўлиб, биз бу вазифани сўзсиз ҳал этамиз.

Ҳозир ҳар қандай, энг мураккаб вазифаларни ҳал қилиш партиямизнинг, бутун совет халқининг қўлидан келади. Биз ишни шу тахлитда ташкил этишимиз мумкин ва керакки, бунинг натижасида саноат ишлаб чиқаришининг барча тармоқлари ва звеноларига, унинг фаровонлигини оширишга яхшироқ хизмат қилсин, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишида муваффақият билан амалга оширилсин.

Коммунизмнинг моддий-техника базаси — фақат қудратли саноат бўлиб қолмай, айни маҳалда ҳар томонлама ривож топган, сермаҳсул қишлоқ хўжалиги ҳамдир. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларининг иқтисодий моҳияти ҳам айни шундан иборатки, бу қарорларда колхозчи-деҳқонлар билан совхоз ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш ўзида тутилган.

Қишлоққа моддий-техникавий ва молиявий ёрдамни кучайтиришни, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашнинг қатъий планини, шу маҳсулотларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган нархларини белгилаб қўйишни таъминловчи тадбирлар аввало ана шу мақсадга хизмат қилади. Колхоз ва совхозлар хўжаликни планли суратда бошқариш имкониятига эга бўлиб қолдилар; ҳозирги вақтда улар ўз ишларини пухтароқ ва ҳамжиҳатроқ олиб бормоқдалар. Уларнинг ўз кучларига ишончи ортди, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини тез ривожлантиришдан манфаатдорлиги ортди.

Маълумки, келаётган беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига 71 миллиард сўм, шу жумладан давлат ҳисобига 41 миллиард сўм, яъни урушдан кейинги 19 йил мобайнида сарфланганига теппа-теппа келадиган миқдорда капитал маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Эндиликда асосий вазифа — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари тағин ҳам юксакроқ бўлишини таъмин этиш, колхоз ва совхозларни реал воқеликни ҳисобга олиб, ҳаёт талабларига мувофиқ равишда ривожлантиришдан иборат. Колхоз ва совхозлар тобора кучайиб бораётган талаблардан орқада қолаётганлигига барҳам бериш — умумхалқ вазифасидир.

Гап колхоз ва совхозларни моддий-техника воситалари билан таъминлашни кучайтириш ва сифат жиҳатидан яхшилаш устида, қишлоқда электрдан кенг фойдаланиш устида, барча ишларни омилкорлик билан ташкил этиш устида боради. Барча зоналарда деҳқончиликнинг илмий асосга эга бўлган системасини жорий қилиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мелиорация ишларини ва ирригация қурилишини тағин ҳам астойдил авж олдириш зарур.

Қишлоқдаги қурилиш ишларининг индустриал базасини ривожлантириш борасида жуда кўп ишлар қилиш лозим. Ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш билан бир қаторда маданий-маиший қурилишни ҳамма жойда кенг авж олдириш керак. Колхоз ва совхоз марказларининг планировкасини анча яхшилашимиз, барча қишлоқларимизни аҳоли яшайдиган ободпунктларга айлантириш йўлини тутишимиз зарур бўлиб қолди.

Колхозларда жамоат манфаатлари билан шахсий манфаатларни бир-бирига тўғри боғлаш масалалари ғоят зўр эътибор беришга сазовордир. Кейинги вақтларда бизда қишлоқ учун жуда муҳим проблемалар бир ёқли қилинди — колхозчиларни пенсия билан таъминлаш тартиби жорий этилди, шахсий ёрдамчи хўжаликни юргизиш учун асоссиз равишда солинган товлар олиб ташланди, иқтисодий камқувват колхозларга катта ёрдам кўрсатилди. Навбатда бошқа катта вазифалар турибди. Колхозларни кредит ва маблағ билан таъминлаш системасини яхшилаш, даромад тақсимоти ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш ана шундай вазифалардандир. Кўпгина хўжаликларда орттирилган тажрибага асосланиб, барча колхозларда меҳнатга гарантияланган ҳақ тўлашни таъмин этайлик, деган таклифлар ҳозир тобора кўплаб тушяпти. Бу таклифларни синчиклаб кўриб чиқиш лозим.

Колхоз қишлоғи равнақ топиш йўлидан тезроқ илгарилаб бормоғи учун ҳозир бизда ҳамма зарур шарт-шароитлар бор. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг биргаликда сарфлайдиган куч-ғайрати билан бу вазифанинг ҳал қилинишига партия ва ҳукумат аминдирлар.

Ватанимиз ривожланишининг ҳар бир босқичида янги вазифаларни ўртага қўяр экан, Коммунистик партия ҳамиша халқ оммасига таяниб, унинг ташаббускорлиги ва тажрибасига умид боғлаб келди. Ҳозирги кунда одамларни тайёрлаш, тўғри танлаш ва жойжойига қўйиш ишнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Мамлакатда мутахассисларнинг кўп миллионли армияси бор. Ишчилар билан колхозчиларнинг малака савияси анча ошди. Улар — жуда катта куч бўлиб, шу кучдан моҳирлик билан фойдаланиш керак.

Эндиликда раҳбар билан мутахассиснинг фақат забардастлик эмас, балки чуқур иқтисодий билимларга эга бўлиш ҳам талаб қилинадиган замон келди. У, хўжаликни рационал бошқариш, истиқболни кўриб туриши, қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш манфаатларини кўзлаб, ишни ҳар қайси ходимнинг, бутун коллективнинг ижодий ташаббускорлиги учун майдон очиб берадиган таҳлитда ташкил этиши мутлақо шарт.

Хўжаликни юргизишнинг янги системаси ижодий активлик учун, мусобақани кенг қулоч ёздириш учун ғоят қулай шарт-шароитлар вужудга келтирмоқда, меҳнатда иқтисодий стимулларни кучайтиришга имкон бермоқда, корхонадаги барча ходимларнинг шахсий моддий манфаатдорлигини уларнинг коллектив манфаатдорлиги билан боғлаб юбормоқда.

Чет эллардаги ғаниларимиз ҳозир бизни «хусусий манфаат» ва хўжалик ҳисоби билан фойда, таннарх билан нарх сингари омиллар ёрдамида ўз хўжалигини «чоп-тириш»га мажбур бўлмоқда, Совет Иттифоқида гоявий омиллар иккинчи ўринга сурилиб қолмоқда, деган гапларни айтмоқдалар. Бу гаплар нотўғри. Шу хилдаги гапларни вайсаётган кишилар ишлаб чиқариш восталарининг ижтимоий мулклиги вужудга келтирадиган моддий стимуллар билан маънавий стимуллар ўртасидаги чуқур ўзаро боғланишни тушунишга ё қодир эмаслар ёки буни тушунишни истамаяптилар.

Буржуа идеологлари одам учун шахсий бойлик орттиришдан бўлак ҳеч қандай эзгу мақсад йўқ, деган хаёлга бориб, одамда фақат очкўзлик билан юлғичликни кўришга одатланиб қолганлар. Лекин бу ғуйдирма гаплардир. Ҳаёт шуни кўрсатиб турибдики, социалистик ишлаб чиқариш одамларда руҳий саҳоватни ва ғўзал ниятларни, бутун куч-қуввати ва билимини умумий ишга сарфлашга астойдил интилишни рўёбга чиқармоқда. Одамда ана шу юксак маънавий фазилатларни доимо ривожлантириш, коммунистик онгликни, меҳнатга маънавий стимулларни ошириш, омманинг иқтидорлигини яшатмоқ учун барча шарт-шароитларни вужудга келтириш — партия ва комсомол ташкилотларининг, Советлар ва касаба союзларининг бурчидир.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорлари мамлакат халқ хўжалиги олдида, ҳар бир совет киши олдида ажойиб истиқболлар очиб қўймоқда. Ҳозирги вақтда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган янги беш йиллик плани юзасидан директивалар ишлаб чиқиш тугалланмоқда. Бу план Ватанимизнинг ривожланишида муҳим босқич бўлиб қолмоғи керак.

Мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, шу асосда совет кишиларининг турмуш даражасини янада ошириш янги беш йиллиқдаги асосий хўжалик-сиёсий вазифалардан ҳисобланади. Беш йиллиқда оғир саноатни ва аввало унинг етакчи тармоқлари — энергетика ва металлургияни, химия ва ёқилғи саноатини, машинасозлик ва асбобсозликни яна анчагина ривожлантириши таъминлаш мўлжалланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қолоқлигини тугатиш, халқ истеъмоли учун буюмлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий даромадни талай миқдорларда кўпайтириш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Бу вазифалар енгил эмас. Бу вазифаларни ҳал қилмоқ учун жиддий камчиликларни йўқотиш, ҳали йўлимизда турган бир талай қийинчиликларни бартараф этиш зарур. Лекин бу вазифалар бутун совет халқининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади.

Беш йиллик планга доир директивалар КПССнинг навбатдаги, XXIII съездида муҳокама қилинади. Партия ўзининг съездига маҳкам жипслашган, ғайратга ва ижодий куч-қувватларга тўлиб тошган, халқ билан чамбарчас боғланган ҳолда бормоқда. Унинг сиёсатини марксизм-ленинизм назариясининг нури мунаввар қилиб турибди ва Ватанимиздаги барча меҳнаткашлар ғиддиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Бу эса белгиланган тадбирлар ва планлар реаллигининг энг ишончли гарантиясидир.

Ҳозир мамлакатда съездга тайёргарлик кенг авж олдирилмоқда. Бу улкан воқеани муносиб кутиб олишнинг энг яхши усули эса партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини ғайрат билан амалга ошириш, ҳормай-толмай олға, янги ғалабалар сари боравериштдир.

III. СОЦИАЛ ТАР

ЎРТОҚ Д. С. ПОЛЯНСКИЙ ДОКЛАДИ

(Бошы 2-бетда).

Америка империализми Латин Америкасидаги интервенция сиёсатини ҳақиқатда қарийб бутун қитъага ёймоқда. Социалистик Кубага қарши шантажлар, дўқлар қилиш ва қўпорувчилик ишларини олиб бориш тўхатилмаётир. АҚШнинг қуролли кучлари уруш эълон қилмай туриб Доминикана Республикасига бостириб кирди. АҚШ раҳбарлари ўзларига ёқмаётган ҳар қандай ҳукуматни қурол кучи билан агдариб ташлашга ҳақлимиз, деб даъво қилмоқдалар. Сурбетлик билан қилинаётган бу даъволар Латин Америкаси мамлакатларида кучли ғазаб тўлқинини қўзғотиб юборди. Шу мамлакатларда Америка монополияларининг ва реакцион режимларнинг зулмига қарши кураш тобора кенг авж олмоқда.

Империалистлар Африкада ҳам озодлик ҳаракатининг ривожланишига халақит беришга уринмоқдалар. Конгодаги ошкора интервенция ва унинг ишларига аралашиш, Португалия мустамлакачилари ва Жанубий Африка ирқчиларига иқтисодий ва сиёсий мадад берилаётганлиги, Африкада мустақил ривожланиш йўлига тушиб олган давлатларнинг қонуний ҳукуматларига қарши ташкил этилаётган фитналар — Африка қитъасида империалистлар қилаётган жиноий ҳаракатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати мана шундай. Бироқ, ҳозирги вақтда Африкадаги ёш давлатлар халқларининг бирдамлиги тобора кучайиб бормоқда. Бинобарин, ишонч билан айтиш мумкинки, Африкада ажнабийларнинг ҳукмронлиги тугамоқда!

Америка империализми ва унинг ҳарбий блоклардаги шериклари Европа қитъасида хатарли режалар тузмоқда. Иккинчи жаҳон урушининг охирги гумбурлаган товушлари Европада ўчганидан бери орада йигирма йил ўтиб кетди. Лекин Европада кескинликнинг қора булутлари шу вақтгача тарқалгани йўқ, муҳим проблемалар ҳали ҳам бир ёқлик қилингани йўқ. Европа хавфсизлигининг мустаҳкам системаси вужудга келтирилмаганлиги агрессия ва реванш кучларига қўл келмоқда. АҚШнинг ёрдами билан Ғарбий Германия милитаризм йўлидан тобора олдинга бормоқда. Ғарбий Германия ҳарбий жиноятчилар ва реваншчиларга тўла ҳомийлик қилмоқда. У ерда прогрессив кишилар ва ташкилотлар қувғин қилинмоқдалар. Ғарбий Германияда Европанинг сиёсий харитасини қайтадан ўзгартириш, бошқа давлатларнинг ерларини босиб олиш тўғрисидаги талаблар очиқдан-очиқ ва расмий равишда қўйилмоқда.

Германия Федератив Республикасининг ҳукумати реал мавжуд бўлиб турган аҳволни эътиборга қилиш ҳамда бошқа герман давлати билан — Германия Демократик Республикаси билан ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш йўлига тушиб олиш ўрнига, шу герман давлатига нисбатан душманлик ва нафрат сиёсатини ўтказиб келмоқда, ваҳолонки бундай сиёсатнинг бутунлай пуч ва самараси эканлигига аллақачон қаноат ҳосил қилиш керак эди.

Кейинги вақтларда Атлантика блоки ичида АҚШ билан Германия Федератив Республикаси ўртасида икки ёқлама алоҳида ҳарбий иттифоққа ўхшаган қандайдир бир нарса вужудга кела бошлади. Бундесвер қўлига ядро қуролини бериб қўйишни кўзда тутувчи лойиҳалар, «олдинги марралар» стратегиясини амалга ошириш мақсадларини кўзловчи чоратадбирлар тайёрланаётганлиги, шунингдек Марказий ва Шарқий Жанубий Европа халқларининг социалистик ғалабаларига қарши, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш сиёсатига қарши қаратилган бошқа планлар мана шундай ҳарбий иттифоқ тузилаётганлигини кўрсатмайдими, ахир.

Милитарист кучларнинг Европадаги кирдикорлари тинчликка жиддий хавф туғдирмоқда. Ўзўзидан маълумки, агар Ғарбий Германия у ёки бу шаклда ядро қуролига яқин йўлатиладиган бўлса, социалистик давлатлар бундай ҳаракатларга бепарво бўлиб қолмайдилар. Улар ўзларининг коллектив мудофаа қобилиятларини янада мустаҳкамлаш учун тегишли чораларни кўрадилар. Жаноб реваншчилар ҳам, уларга ҳомийлик қилаётганлар ҳам буни яхшилаб ўйлаб кўришлари керак. Яна бунинг устига тарих сабоқларини ҳам унутиб қўймаслик керак. Бизнинг армиямизда бу сабоқлар ҳарбий тарзда қисқа ва ишонарли қилиб ифоданланган: Гитлер Москвани олмоқчи эди, лекин Берлинни қўлдан беришга мажбур бўлди.

Ядро қуролига интилаётган бундесвернинг йўлини тўсиш, реваншчиларни жиловлаб қўйиш, Европада хавфсизликнинг мустаҳкам системасини вужудга келтириш учун ҳозир ҳали ҳам имконият бор. Бунинг учун, аввало, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини йўқотиш, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш проблемасини бартараф қилиш зарур. Кимки Европа қитъасидаги ҳозирги хатарли аҳволни тугатишни ҳақиқатан истаётган бўлса, у масалани шу тарзда бартараф қилиш Европада хавфсизликни таъминлашнинг асосий, туб масаласи сифатида ўзининг бутун актуаллигини сақлаб қолаётганлигини эътироф қилмаслиги мумкин эмас.

Европадаги бошқа социалистик мамлакатлар каби Совет Иттифоқи ҳам Европа проблемаларининг ҳаммасини бартараф қилишга ва тинчликни мустаҳкамлаш ниятида Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантиришга ўзининг тайёр эканлигини неча марталаб айтиб келди ва буни яна айтмоқда. Европанинг барча халқлари шундай ҳамкорлик бўлишини қўндан бери кутмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг империализми халқаро реакциянинг бош таянчи ва зарбдор кучи эканлигини кейинги йилнинг воқеалари яна бир марта исботлаб турибди. АҚШ империализми жаҳон миқёсидаги жандарм тариқасида, прогрессив кучларни бўғувчи куч ва жаллод тариқасида ҳаракат қилмоқда. Лекин Америка империалистлари ҳали ҳам умидвор бўлиб келаётган сиёсат — зўравонлик позициясига таянувчи сиёсат муваффақият қозонишига бўлган умид жаҳон миқёсидаги кучларнинг ҳозирги нисбати шароитида аввалги вақтдагига қараганда ҳам янада камайиб кетди, дейиш мумкин. Социал ва миллий озодликка эришишни қуролли куч воситалари билан тўхтатиб қолишга уринишдан ҳеч бир натижа чиқмайди.

Америка империализми ўзининг ҳаракатлари билан империалистик лагернинг ўзида ҳам ички зиддиятларни кўпайтириб юбормоқда. Буни шундан билиш мумкинки, Атлантик блок ичидаги келишмовчиликлар кескинлашмоқда, СЕНТО ва СЕАТО ҳарбий блоклари чўқур тангликни бошдан кечирмоқда. Америка давлатлари ташкилотида бузилиш кучайиб бормоқда. Шу блокларга мансуб бўлган бир қанча мамлакатлар ҳозир мустақил сиёсат юритишга интилмоқдалар ва ўзларини Америка империалистларининг ҳарбий авантюралари билан боғлаб қўйишни истамаётирлар.

Америка империализмининг агрессив сиёсати кўпгина мамлакатлардаги энг хилма-хил ижтимоий-сиёсий доираларда қаҳр-ғазаб ва норозилик туйғусини тобора кучайтириб юбормоқда. Шу агрессив сиёсатни қўллаб-қувватлаётганлар, шу сиёсатнинг адвокатлари ролини бажараётганлар шаънига айтилаётган танқид авж олмоқда. Машҳур инглиз файласуфи ва жамоат арбоби Бертран Рассел бу кайфиятларни яққол ифода этди. Яқинда у, Англиянинг ҳатти-ҳаракатларига «илгариги империалистик сиёсат» деб баҳо берди. Англиянинг бундай сиёсати шу мамлакат билан бизнинг ўзаро муносабатларимиз характерига ҳам ўз таъсирини кўрсатаётганлиги табиий бир ҳолдир.

Халқлар империалистларни уларнинг инсониятга қарши жинояткорона режаларидан воз кечишга мажбур қилиб қўйишлари мумкин ва керак. Бунинг учун жаҳон социализм системасининг давлатлари, капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи, миллий озодлик ҳаракати, барча тинчликсевар кучлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари зарур. Империалистик кучларнинг хатарли кирдикорларига, ҳаддидан ошиб бораётган агрессорларга қарама-қарши қўймоқ учун барча халқларнинг бирлигини ва қаршилигини кучайтириш керак.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз равшан. Бу сиёсат совет кишиларининг тинч меҳнатини таъминлаш, жаҳон социалистик системасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги мустақил давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, халқларнинг озодлик курашини қўллаб қувватлаш, иқтимоий сиёсий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш сиёсати принципларининг ўтказилишига эришиш ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг иборат. Шу жиҳатдан олганда мана шу йил ғоят диққатга сазовордир. Халқаро позицияларимизни мустаҳкамлашга, антиимпериалистик фронтнинг бирлигини кучайтиришга қарата Совет томонидан бир қанча чоралар кўрилди.

Аввало, жаҳон социалистик системаси кучларининг жипслигини мустаҳкамлаш соҳасида бошқа қардош мамлакатлар билан бирликда ўтказилган каттагина ишни қайд қилмоқ зарур. Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши доираларида иқтисодий ва илмий ҳамкорлик чуқурлаштирилди. Социалистик давлатларнинг раҳбар арбоблари ўртасидаги алоқалар кучайтирилди. Совет Иттифоқининг Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Чехословакия билан шартномалар асосидаги муносабатлари янада ривож топди. Болгария, Венгрия, Куба, Руминия, Югославия билан иқтисодий ва сиёсий алоқалар кенгайтирилмоқда. Корея Халқ Демократик Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ўзаро сарфланаётган куч ва ғайратлар самарали натижалар бермоқда. Варшава Шартномаси ташкилоти доирасида қардош мамлакатларнинг сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлигини янада ривожлантиришни таъминловчи чоралар катта аҳамиятга эгадир.

Биз Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни яхшилашга — келишмовчиликларни бартараф қилишга ва дўстликни мустаҳкамлашга интиляпмиз. Бунинг учун бизнинг томонимиздан имкони бўлган ҳамма чоралар кўрилди. Лекин ҳозир Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги, КПСС билан Хитой Коммунистик партияси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масаласи Хитой раҳбарларига боғлиқ бўлиб қолди.

Сўнгги бир йил ичида СССР билан озодликка эришган мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар анча мустаҳкамланди. Айни маҳалда Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикаси, Гана, Гвинея, Мали, Конго (Браззавиль), Бирма ҳамда социал ўзгаришлар йўлига тушиб олган бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги янги, тағин ҳам юксакроқ поғонага кўтарилмоқда. Иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, маданий алоқаларни авж олдириш ва дипломатия соҳасидаги ҳаракатларни келишиб олиш билан бир қаторда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ана шу мамлакатларда ҳокимият тепасида турган миллий демократик партиялар ўртасидаги алоқалар тобора кўпроқ яхшиланмоқда.

Совет Иттифоқи билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстона муносабатлар вужудга келди ва ривожланмоқда. Бизнинг мамлакатимиз бундан бўён ҳам Совет—Жазоир ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, қаҳрамон Жазоир халқининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамлаш учун, мамлакатни социал тараққиёт йўлидан ривожлантириш учун олиб бораётган курашида унга бутун чоралар билан мадад кўрсатишга тайёрдир.

Совет Иттифоқи Индонезия билан ҳар тарафлама ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш ниятидадир. Бизнинг халқимиз Индонезиянинг сиёсати империализмга қарши қаратилганлигини ҳамиша ғоят қадрлаб келди. Биз ҳар бир халқ ўзининг социал ва миллий ривожланишидаги йўллар ва формаларни ўзи танлаб олмоғи керак, деб ҳисоблаймиз.

Айни маҳалда биз билан яхши муносабатларда бўлиб келаётган айрим мамлакатларда антикомунистик кампания авжига чиқарилаётганлиги, прогрессив арбоблар қамоққа олиниб, турмаларга ташланаётганлигини кўрсатувчи факт совет кишиларини ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Биз антикоммунизм байроғи остида ҳеч бир жойда, ҳеч бир мамлакатда социал тараққиётни таъминлаб бўлмайди, деган эътиқодимизни яширмаймиз.

Сўнгги бир йил ичида бизнинг томонимиздан кўрилган янги чоралар Афғонистон ва Ҳиндистон билан дўстлигимизни мустаҳкамлашга, Скандинавия мамлакатлари билан алоқаларимизни ривожлантиришга, Эрон, Покистон ва Туркия билан муносабатларимизни яхшилашга, Франция ва Япония билан муносабатларимизда кўнгилдагидек ўзгаришлар содир бўлишига ёрдам берди.

Совет томонидан илгари неча марталаб айтилганидек, биз қўшниларимиз Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳал бўлмаган масалалар тинч асосда бартараф этилишини, Ҳиндистон — Покистон жанжалининг хатарли ўчоғидаги ўт батамом ўчирилишини ендиндилдан хоҳлаймиз. Биз шунга ғоят аминмизки, мана шу жанжалнинг авж олдирилишидан Ҳиндистон билан Покистоннинг душманлари наф кўришни истайдилар, ваҳолонки, бу жанжалнинг тугатилиши ана шу мамлакатлардаги халқларнинг манфаатларига, уларнинг социал тараққиётига хизмат қилади.

Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимизни яхшилаш учун ҳам имкониятлар борлигини Совет Иттифоқи неча марталаб айтди. Бироқ, АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши олиб бораётган агрессив уруши бунга тўсқинлик қилмоқда. Вашингтоннинг бундесверни ядро қуролига шерик қилишга қаратилган сиёсати ҳам амалий алоқадор учун катта ғов бўлмоқда. Башарти, АҚШ ҳукмрон доиралари ўзлари неча марталаб айтганларидек, Совет Иттифоқи билан нормал муносабатларда бўлишни ҳақиқатан истасалар, бунга амалда исботлашлари ва, аввало агрессия сиёсатидан ҳамда бошқа давлатлар ва халқларнинг ишларига ҳарбий йўл билан аралашиш сиёсатидан воз кечишлари лозим.

Биз ҳозирги замон шароитида ҳам халқаро муносабатларни ривожлантиришда яхшиликка қараб бурилиш ясаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқининг БМТ Бош Ассамблеяси XX сессиясига киритган ва бундан буён ядро қуролининг тарқатилишига қарши қаратилган таклифлари худди ана шу мақсадни кўзлайди. Уруш хавфи ўчоқларини тугатиш ва қуролланиш пойгасини тўхататиш — халқаро кескинликни бўшаштиришга олиб борувчи бош йўлдир.

Ўз-ўзидан маълумки, агрессив доиралар турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш негизларини қўпоришга уринаётган ҳозирги вазиятда, Совет Иттифоқи ниҳоятда зўр ҳушёрликни сақлаб қолаверади, ўзининг мудофаа қудратини тинмай мустаҳкамлайверади. Бинобарин, игвогарлик ишқибозлари шуни билиб қўйсинки, бизнинг шонли Қуролли Кучларимиз ҳамиша шай бўлиб турибди. Ҳар қандай агрессорларга қақшатқич зарба бермоқ учун бизда ҳамма зарур нарсалар бор!

Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб, КПСС Марказий Комитети социалистик мамлакатларнинг ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигига эришиш учун сўнгги бир йил мобайнида янгидан амалий ишлар олиб борди. Умумий мақсадлар учун, империализмга қарши курашда биргалашиб ҳаракат қилиш, айниқса ҳозир келишмовчиликларни бартараф этишнинг энг тўғри йўлидир. Бундай ҳаракатлар тажрибаларни ўртоқлашиб туришни, халқаро майдонда қўйиладиган қадамларни келишиб олишни тақозо этади. КПСС Марказий Комитети ана шу йўлдан бориб, ўтган бир йил мобайнида 12 социалистик мамлакатнинг партия-ҳукумат делегациялари билан ҳамда эллика капиталистик давлатнинг қардош партиялари делегациялари билан учрашувлар ўтказди ва фикрлашиб олди. Биз барча қардош партиялар ўртасида ички томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантиришни, марксча-ленинча асосдаги бирликни ёқлаб келдик ва ёқлай берамиз.

Бундай бирлик ўз-ўзидан вужудга келмаслиги, бу — мураккаб, оғир жараён эканлиги тушунарлидир. Барча мамлакатлардаги коммунистларнинг бирдамлиги доимо турмуш синовидан, конкрет ишлар синовидан ўтиб туради. Бирликни мустаҳкамлаймиз, десак умумий мақсадларимиз учун, коммунистик ҳаракатнинг тақдири учун юксак даражада интернационал масъулият сезмоғимиз керак.

Коммунистик ҳаракат пролетар интернационализми байроғи остида ҳозирги замоннинг энг нуфузли сиёсий кучига айланди. Шу байроқ остида икки системанинг мусобақасида ғалаба бутун инсониятга порлоқ ва қувончли турмуш келтирувчи янги ижтимоий тузум тарафида — коммунизм тарафида бўлажагига коммунистлар, жаҳондаги прогрессив кишилар аминдирлар.

* * *

Ўртоқлар!

Совет халқи катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Бизнинг социалистик жамиятимиз ўзининг йил ҳисобини 1917 йилнинг октябридан бошлаб олиб келмоқда. Улуғ революциянинг эллик йиллиги яқинлашмоқда. Бу ажойиб санани муносиб кутиб олиш, уни янги, улкан ишлар билан нишонлаш Ватанимиздаги барча меҳнаткашларнинг шарафли ишидир.

Бунинг учун мамлакатимизда ҳамма зарур нарсалар муҳайё. Бизнинг қудратли экономикамиз бор. Экономикамиз жадал юксалиш учун эндиликда янги имкониятларга эга бўлди. Бизда янги муваффақиятларга эришиш учун энг асосий омил бор, у ҳам бўлса — партия билан халқнинг бирлиги, Совет давлатидаги барча миллатлар ва элатларнинг жипслигидир. Бизнинг бутун дунёда кўпгина содиқ иттифоқчиларимиз, кўпгина вафодор дўстларимиз бор. Марксизм-ленинизмнинг абадий барҳаёт ғояларини мақсадларимизни нурафшон қилиб турибди. Бутун прогрессив инсоният Советлар мамлакатига янги жамиятнинг машъалидек нигоҳ ташламоқда. Бинобарин, жамиятимизни, Совет социалистик давлатимизни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳаётимизни яхшилаш, олга, коммунизм тантанаси сари бориш — бизнинг бурчимиздир!

Яшасин совет халқи!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

Халқлар ўртасида тинчликка ва дўстликка йўл очиб берган, коммунизмга йўл очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

(Ўртоқ Д. С. Полянскийнинг доклади аёр эътибор билан тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИДАН

Тошкентда тантанали йиғилиш

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари узра Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига тантанали симфония ялграмоқда. Ана шу ажойиб симфонияда меҳнат қаҳрамонларининг голиб марши садолари баралла эшитилиб турганлиги янада қувончлидир. Бу кўйда Ватанни республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида бажарилган ажойиб ишлари билан курсанд қилган республика ишчилар синфи, деҳқонлари ва интеллигенцияси ижодий ишлари жаранглямоқда.

Қизғин байрам табриклари ўзбек тили бўйлаб таралмоқда. Пойтахт меҳнаткашлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек маҳаллий гарнизон ҳарбий қисмларининг ракиллари ана шу табрикларни изҳор қилиш учун Навоий номли ўзбек академик опера ва балет театрига тўпландилар.

Шонли санага бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилиш президиумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва Президиуми аъзолигига кандидатлар, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш новаторлари, революция ветеранлари бор эди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очди. Зал гумбазлари узра СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари садолари янграйди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча Марказий Комитети Президиумини фахрий президиумга сайлаш тўғрисидаги таклифни зал дағдаги гулдурос олқишлар билан кутиб олдилар.

Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун сўз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчоновга берилади.

Улуғ Октябрь байрами, деди докладчи, йил сайин янги куч, янги, янада бой мазмун касб этмоқда. Мамлакат Совет ҳокимиятининг 48 йиллигини ўзининг куч-қудрати янада жўш урган ҳолда нишонламоқда. Совет экономикасини янада қудратли юксалтиришнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосланган программасини белгилаб берган партия Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг тарихий қарорлари мамлакат олдида янги истиқболларни очиб берди. Совет кишилари жонажон партиянинг XXIII съезди шарафига бошланган мусобақани кенг авж олдириб, етти йиллик маррасига яқинлашиб қолдилар.

Бу йил Ўзбекистон ишчилар синфи, колхоз деҳқонлари ва зиёлилари ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритдилар. Республика саноати ўн йиллик программани муддатидан олдин адо этди ва пландан ташқари ўн миллионлаб сўмлик маҳсулот берди. Капитал қурилиш илгаригига нисбатан анча яхши олиб борилмоқда.

Вилоят пахтакорларимиз эришган улкан ғалабани зўр хурсандчилик билан қайд қилиб ўтмоқда. Пахтакорларимиз мисли кўрилмаган эрта муддатда йиллик планни бажардилар ва ҳозиргидек уч миллион етти юз ўттиз минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё областлари, Қорақалпоғистон, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон областлари топшириқни муддатидан илгари бажариб, ана шу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Сирдарё ва Бухоро областларининг пахтакорлари ҳосилни йиғиштириб олишни тугатдай деб қолдилар ва йиллик планни бажариш арафасида турибдилар.

Пахтани машинада йиғиштириб олиш ҳажми йил сайин ўсмоқда. Ҳозир республикада бутун ҳосилнинг 70-80 процента машиналар билан териб олинаётган, пахта тайёрлаш плани эса 18-20 кунда бажарилаётган хўжаликлар бор. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиқ механизаторлари КПСС XXIII съезди шарафига давлатга қўшимча суратда икки юз минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар. Ҳеч шубҳа йўқки, бу юксак мажбурият шараф билан бажарилади.

Давлатга пилла, қорақўл тери, тухум, жун, сабзавот, полиз маҳсулотлари, хўл мева, узум ва бошқа маҳсулотлар сотиш ва топшириш планлари ошириб бажарилди. Гўшт, сут, шоли, ғанғ полси ва тамаки тайёрлаш муваффақиятли олиб борилмоқда. Умумиттифоқ фондига сабзавот, полиз экинлари ва хўл мева етказиб бериш плани қарийб икки баравар оширилиб бажарилди.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тинмай оширилаётганлиги ҳалқ хўжалигининг юксак суръатларда ривожланишини таъминлаб берди. Аҳолига савдо ва озиқ-овқат товарлари сотиш анча ўсди, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари кенгайтирилди. Уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Республикада фан ва маориф, адабиёт ва санъат, маданиятнинг турли тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Республиканинг бугунги куни жуда гўзал. Унинг эртаси эса янада ажойибдир. Янги беш йилликнинг олдиндан белгилаб қўйилган режаларида порлоқ истиқбол кўриниб турибди.

Ўзбекистон ҳаётидаги жуда катта ўзгаришлар партия ленинча миллий сиёсатининг буюк ижодкорлик қуч-қудрати, социалистик Ватанимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлиги ҳамкорлиги тантаналари натижасидир. Республика меҳнаткашлари Совет Иттифоқи халқлари, ва аввало улуғ рус халқи билан дўстлик туфайли бахт-саодат, ёрқин келажакка эга бўлишлари мумкинлигига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар. Республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишидаги оламшумул тарихий муваффақиятлар меҳнаткашларимиз қалбини шонли Коммунистик партияга, унинг ленинча Марказий Комитетига, жонажон Совет ҳукуматига миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат туйғулари билан тўлдирмоқда, уларни севимли Ватан шон-шуҳрати учун янги-янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда.

Докладчи Улуғ Октябрь революцияси идеяларининг куч-қудрати ва ҳаётийлигини таърифлаб, жаҳон ривожланишида ҳал қилувчи факторга айланган социализм жаҳон системасининг ўсаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлигидан даврларга ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантиришни, марксча-ленинча асосдаги бирликни ёқлаб келдик ва ёқлай берамиз.

Бундай бирлик ўз-ўзидан вужудга келмаслиги, бу — мураккаб, оғир жараён эканлиги тушунарлидир. Барча мамлакатлардаги коммунистларнинг бирдамлиги доимо турмуш синовидан, конкрет ишлар синовидан ўтиб туради. Бирликни мустаҳкамлаймиз, десак умумий мақсадларимиз учун, коммунистик ҳаракатнинг тақдири учун юксак даражада интернационал масъулият сезмоғимиз керак.

Коммунистик ҳаракат пролетар интернационализми байроғи остида ҳозирги замоннинг энг нуфузли сиёсий кучига айланди. Шу байроқ остида икки системанинг мусобақасида ғалаба бутун инсониятга порлоқ ва қувончли турмуш келтирувчи янги ижтимоий тузум тарафида — коммунизм тарафида бўлажагига коммунистлар, жаҳондаги прогрессив кишилар аминдирлар.

* * *

Ўртоқлар!

Совет халқи катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Бизнинг социалистик жамиятимиз ўзининг йил ҳисобини 1917 йилнинг октябридан бошлаб олиб келмоқда. Улуғ революциянинг эллик йиллиги яқинлашмоқда. Бу ажойиб санани муносиб кутиб олиш, уни янги, улкан ишлар билан нишонлаш Ватанимиздаги барча меҳнаткашларнинг шарафли ишидир.

Бунинг учун мамлакатимизда ҳамма зарур нарсалар муҳайё. Бизнинг қудратли экономикамиз бор. Экономикамиз жадал юксалиш учун эндиликда янги имкониятларга эга бўлди. Бизда янги муваффақиятларга эришиш учун энг асосий омил бор, у ҳам бўлса — партия билан халқнинг бирлиги, Совет давлатидаги барча миллатлар ва элатларнинг жипслигидир. Бизнинг бутун дунёда кўпгина содиқ иттифоқчиларимиз, кўпгина вафодор дўстларимиз бор. Марксизм-ленинизмнинг абадий барҳаёт ғояларини мақсадларимизни нурафшон қилиб турибди. Бутун прогрессив инсоният Советлар мамлакатига янги жамиятнинг машъалидек нигоҳ ташламоқда. Бинобарин, жамиятимизни, Совет социалистик давлатимизни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳаётимизни яхшилаш, олга, коммунизм тантанаси сари бориш — бизнинг бурчимиздир!

Яшасин совет халқи!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

Халқлар ўртасида тинчликка ва дўстликка йўл очиб берган, коммунизмга йўл очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

(Ўртоқ Д. С. Полянскийнинг доклади аёр эътибор билан тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

Тантанали йиғилиш тамом бўлди. Оркестр Ўзбекистон ССР Давлат гимнини ижро этади.

* * *

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши
6 ноябргача бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан).

ХОРАЗМ	0,51	114,83	1,25	40,47
ТОШКЕНТ	0,10	111,55	—	112,69
САМАРҚАНД	0,46	106,91	0,06	74,42
СУРХОНДАРЁ	0,43	106,32	0,01	96,38
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР	1,09	105,87	0,68	78,91
ФАРҒОНА	0,32	101,65	0,08	92,21
ҚАШҚАДАРЁ	0,11	100,36	—	37,05
Андижон	0,68	99,38	0,16	81,73
Бухоро	0,37	97,36	—	27,46
Сирдарё	0,45	96,19	0,01	109,20
Ўзбекистон ССР бўйича	0,47	103,11	0,20	87,80

Республикада 5 ноябрь куни 16948 тонна пахта тайёрланди.

СССР мудофаа министрининг
БУЙРУҒИ

1965 йил 7 ноябрь **№ 294** **Москва шаҳри**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари бугун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигини байрам қилмоқдалар.

Шу тарихий кунни биз билан бирга барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният нишонламоқда.

Совет кишилари Октябрь байрамини коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлигининг рўёбга чиқиши учун катта имкониятлар яратиб беради. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари партия XXIII съезди олдидан умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдирмоқдалар, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тобора юксалтириш учун қатъият билан курашмоқдалар.

Коммунизм қурилиши вазифаларини бажариш учун барқарор ва узоқ муддатли тинчлик бўлиши керак. Совет кишилари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социализм кучларини жипслаштиришга, халқларнинг озодлик курашини ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлашга, ер юзида тинчликни таъминлашга қаратилган ленинча ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаётганлиги ва мустаҳкамлаётганлиги ва ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ютуқлари учун ўз Ватанининг содиқ фарзандлари, Коммунистик партия улуғ ишига чексиз садоқатли бўлган совет жангчилари ўз Ватанининг давлат манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишда давом этмоқдалар. Совет жангчилари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош армиялари билан ягона жангговар сафда туриб, ҳар қандай агрессорни тор-мор этишга ҳамишаҳ тайёрдирлар.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги билан табриклаймиз!

СССР Қуролли Кучларининг бутун шахсий составига ўзининг ҳарбий ва сиёсий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда, қўшинларнинг ҳамиша жангговар тайёр ҳолда сақланишида янада муваффақиятлар тилайман. Юксак революцион ҳушёрликни сақлашга, ўзингизнинг муқаддас ҳарбий бурчингизни шараф билан бажаришга.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 7 ноябрда маҳаллий вақт билан соат 20 да Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқдош республикалар пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарларда 30 марта тўп отиб салют берилсин.

Яшасин севикли Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг шажаратли Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЕТТИ ЙИЛЛИК МАРРАСИНИ ЭГАЛЛАГАНЛАР

Бекобод, Москва, Ленинси пахта тозалаш заводлари ва Юқори Чирчиқ жут-каноп заводи каби корхоналарнинг коллективлари КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани авж олдириб, ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Республика пахта тозалаш саноати корхоналари даврасида бундай илғор коллективлар кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон пахта тозалаш саноати корхоналарининг меҳнатчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етти йиллик маррасини муддатидан илгари эгалладилар.

Пахта тозаловчилар етти йиллик бошидан буён 7 миллион 240 минг тоннадан ортиқ тола ишлаб чиқардилар. Бу йил пахта толаси тайёрлаш 1958 йилдагига нисбатан 35,5 процент

ИККИ НОВЕЛЛА

АЛИҚУЛНИНГ ҚАРЗИ

Ғафур ҒУЛОМ.

Ялангоч мавзуннинг чап ёнбошида Юпун деган қишлоқча бор. Ана шу қишлоқда Алиқул отанинг бобою бобокалонлари яшаб келган, умр навбати энди Алиқулга етган. Бу ерда унинг аждодларидан мерос икки ярим таноб ер бор. Икки ярим таноб ер деган нима бўларди, дейсиз? У бошидан бу боши оқсоқ ҳаккага бир қадамлик йўл. Шу замонларда ҳамма деҳқон ўзини пахтага урган, пахта деса баъзиларнинг оғзидан бол томади, баъзиларнинг кўзидан ёш оқади.

Алиқул ҳам кўпчиликка тахассиф қилиб, ўз ерига пахта экади, жайдари ғўза экади. Жайдари ғўзадай миғғов, расво экинни деҳқон боласи билмаса керак. Биринчидан, сув кўп керак, кўп чопиқ ейди, кеч очилади, очилганда ҳам тўкилмайди, пучоғига елимлагандай ёпишган, калта тола, кўпчилиги пучмагиз, дод деганда ҳам гап шуки, қийин экин, моҳоз экин.

Алиқул илк баҳордан кеч кузгача шу ерда имирсилаб, тер тўкиб меҳнат қилади. Бир тоқа ориғ хўкизининг ёнига қўшнисининг эшагини қўшиб, тишсиз ёғоч омоч билан ер ҳайдайди. Баъзи йиллар хўкизнинг кучи келмаса, бир ёнбошга ўзи тўтибоқ суд раб қолади. Ҳай, иш қилиб, бир амаллаб ер бетини тимдалагандай бўлади-ю, чигит экади. Кейин ерининг четига чўқайиб, бир осмонга, бир шудгорга қараб, «худонинг марҳаматини», чигитнинг униб чиқишини кутади.

Чигит униб, икки қулоқ бўлдими, Алиқулнинг яна иши кўпайиб кетади. Чопади, ягона қилади, суғоради, катта кўчанинг тупроғини олиб келиб ўғит ўрнида сочади. Меҳнатиям катта, умидиям катта.

Аммо бу жайдари ғўзаси қурмағур худо урган инжиқ, уни пайпаслаб парвариш қилганинг сайин, чиллашр болалардай ерга қапишиб олади.

— Энди нима қилдим-а, қулоғидан торгиб, бўй чўзди қилишим қолди, холос, — дейди ўкиниб, куйиниб Алиқул.

Кузга бориб, чала болалардай поялардэ ғўза пишади. Ҳосил дейсизми? Бе-ее, қанақа ҳосил? Жиртак-пиртакларини ҳисоблаганда йигирма пудга яқин ҳосил олади.

Ана шу пайтда десангиз, балойи ногоҳондай қишлоқда пахтачи ҳаннот — комиссионер пайдо бўлиб қолади. Бу яқин ўртадан эмас, Тошкенту Бухородан эмас, аллақайси ғўрдан, жуда узоқдан — Иваново-Вознесенскдан келган бўлади.

Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидай, деҳқон оиласига, ёрон Алиқулга ҳам нон керак, кийим-бош керак, туғу чирқ керак. Бу керак-керакларни санаб ҳисобига етиб бўладими? Ҳаммаслга балогардон — пахта.

Шундай қилиб десангиз, ҳар йили куза, хирмон тепасида Алиқул билан пахта комиссионери ҳисобга ўтирадилар.

— Хўш, — дейди комиссионер, — Асад ойнинг ўнеттиламчисида бир қадоқ чой, ўн қадоқ туз олганинг ростми?

— Рост, — дейди Алиқул.

— Мезон ойнинг бешломчи куни беш газ чит билан икки дона лампа шиша олганинг ростми?

— Рост, — дейди Алиқул.

Комиссионер узоқ чўт қоқади:

— Э, Алиқул, Алиқул, бу йил яхши ишламабсан, даромадингнинг мазаси йўқ, пахтанг кам, бозор касод, ҳа, майли, пахтангни оламиз, лекин устингда анча қарз қолади...

Ана шуқда десангиз, Алиқулнинг оппоқ мўйсафид боши кўкрагига энгашиб тушади, узоқ вақт жим-жит қолади. Худди ерга тикилиб, у билан маслаҳатлашгандай.

— Хўш, азиз ер, бундан буёнги ишимиз қалай бўлди, яна қарздор бўлиб қолибмизку. Раҳм қилсанг-чи, дурустроқ ҳосил етказсанг-чи, зорама зора келаси йилга қарзларимиздан қутулиб, баъримизни қоқсак, шу олиб-сотарнинг бетига тупурсак.

Бу тобда комиссионер энди бошқа деҳқонларнинг хирмони тепасида.

— Ҳа-ха, чаққон-чаққон бўлинглар, мана бу пулни олиб, ўлмаснинг куни еб турингглар, мана бу векселга бармоқ босингглар, энди яхши меҳнат қилинглар, яхши ҳосил олинглар, зорама-зора келаси йил қарздан қутулиб қолсанглар, — деяётган бўларди.

Комиссионернинг иши тиқилинч. У бир ерда тўхтаб туролмайди. Деҳқонлар бўлса унинг орқасидан соқол силаб, ялиниб қолаверадилар.

— Алиқул ака, ҳо Алиқул ака, илдамроқ юринг.

— Нима гап, тинчликми?

— Мамашариф оқсоқолнинг буқаси хотинингизни сузиб ўлдириб қўйди...

Боши қайгудан чиқмаган Алиқул кетмакет уч ўғлини шаҳарга иш қидиришга жўнатиб, ўзи қишлоқда якка қолди.

Алиқул йигитларининг омади тез келди. Учовлари ҳам пахта заводига юккашликка ёлландилар. Улар пахта заводдаги рус, тожик полвонлари қаторидан жой олдилар. Оғир-оғир қанорлар, ҳа деганда буларнинг елкасида бунтга кўтарилади. Вазмин-вазмин той пахталар бир пасда вагонларга юкланиб саранжому-саришта бўлади. Буларнинг кучу қудратини кўрган заводчи бой:

— Баракалла, азаматлар, елкаларинг дард кўрмасин, яхши ишласаларинг беш-ўн йил ичида сўфининг қизига уйлантириб қўяман, деб ҳазиллашади, ўз ҳазилидан ўзи завқланиб қаҳ-қаҳ уриб кулади.

Яна баҳор, яна омоч бўйинтуруқ, ўша-ўша чигит, ўша-ўша ер, ўша-ўша меҳнат, ўша-ўша ҳасрат.

Алиқул ер билан гаплашади:

— Ҳой, онагинам, раҳминг келса-чи, бир кучан, қарзлардан қутулиб олайлик.

Ердан чуқ этган садо чиқмайди. Алиқулнинг елкасида комиссионер шарпаси тургандай.

Кунлардан бир кун ўрта куза қўшни катта ер этагидан кимдир унинг отини атаб чақира бошлади:

— Алиқул ота, ҳа Алиқул ота...

Алиқул отанинг юраги шув этиб кетиб, жавоб қайтармади.

Овоз яна эшитилди.

— Алиқул ота, ҳа Алиқул ота, нега жавоб бермайсиз, суюнчи беринг, суюнчи, оқ пошшони қулатишибди, оқ пошшони тахтидан туширибди, иқилоб бўлибди, большавойлар зўр чиқибди, уруш соб бўлибди.

Аввалига Алиқул ота гарансиб қолди, кейин эсини бир ерга йиғиб, эшитган гапига сарҳисоб бериб кўрди. Оқ пошшани ку танир эди, большавой деган сўзни ҳам ўғилларидан кўп эшитган, катта ўғли бир кун гап ўртасида: «биз ҳам фирқа бўлдик, большавой бўлдик», деганн ҳам гира-шира ёдида. Демак, большавой зўр чиққан бўлса, унинг ўғиллари зўр чиққан бўлади-да, оқ пошшони шулар йиқитган бўлади-да.

Алиқул бу гапларга чандон ишонгиси келмай чала уйқу одамдай гарангсиб юрди. Пахтасини ҳам йиғиб, саранжом қилиб қўйди, шаҳардан уч-тўрт топқир одамлар чиқиб, пошшонинг тахтдан тушгани, уни большавойлар йиқитгани ҳам аниқ бўлди. Унинг ўғиллари ҳам большавой.

Яна қаёқдандир дийдоринг ўчкир комиссионер пайдо бўлиб қолди. У Алиқулнинг пахталарини чамалаб:

— Эҳҳа, жуда оз-ку, ҳосилингнинг мазаси бўлмабди, Алиқул ота, — деди.

— Озликка оз, яхши бўлмади, хўжайин,— деди кекканйиб Алиқул ота, — шунинг учун ҳам пахтани бу йил сенга сотмоқчи эмасман.

Ҳайратда қолган комиссионер:

— И-я, и-я, нимага энди, мендан бошқа кимга сотар эдинг? — дейди.

— Сотмайман, дедим-ку, жаноб хўжайин, сотмайман, энди текинга бериб юбораман.

— Текинга? — деб сўради оғзи қулоғига етган комиссионер, — текинга дедингизми?

— Ҳа, текинга, лекин сенга эмас, хўжайин, большавойларга...

Товуши бугилган комиссионер бирдан дудугланиб сўради:

— Қандай қилиб... Яъни... қарзларинг нима бўлади?

— Ошиқма, ошиқма, хўжайин, сенинг қарзинг елкамда қолмайди. Менинг ўғилларим ни танийсанми, улар большавойлар-а! Ҳозир ҳукумат ўшаларнинг қўлига ўтиб кетган, ўшалар хўжайин. Сабр қил, ўшалар келишади, ўшалар сен билан ҳисоблашишади. Ҳисоблашганда ҳам қандақасига дегин. Ана ўшанда улар менинг қарзимни ҳам адо қилишади, орзумни ҳам адо қилишади.

◆ ◆

ПИРМУҲАММАД ВА УНИНГ НЕВАРА-ЧЕВАРАЛАРИ

Жар қўча маҳаллалик Пирмуҳаммад кунжарафурушни ким танимайди дейсиз, атрофдаги моли бор кишиларнинг кўпчилиги уни танир эди, шулар қатори мен ҳам.

Унинг бор-йўғи дастмояси олти калла кунжарага етар эди, бас маълумки, худо қарғаган фурушандардан бири эди. Худо уни довудастгоҳ жиҳатдангина эмас, фарзанд жиҳатидан ҳам қарғаган эди. Кўни-қўшниларнинг ўн-ўн бешлаб ўғил-қизлари бўлгани ҳолда, унинг ёлғизгина ўғли, кўзининг оқу қораси Қулмуҳаммаджони бор эди, холос. Ўғил бўлганда ҳам қанақаси дейсиз, ўғилларнинг ўғили, ўн йигитга арзигулик паҳлавон йигит эди.

Шундай қилиб десангиз, биринчи жаҳон уруши авжига минган 1916 йил келди. Аллавақтлардан буён худонинг ердаги сояси подшоҳи аъзам эолим Николайнинг жаҳру зулмини дилига тугиб юрган халқ қўзғолон кўтарди. Шу қўзғолоннинг бошидагиларидан бириси Қулмуҳаммад эди. Элликбоши уни ушлаб берди. Туркистон вилоятининг ярим пошшоси сургунга жўнатди. У ердан нима рўй берди-ю, Псков деган узоқ шаҳарга келиб қолди. Бу ерда пошшоликка мардикор бўлиб ишлай бошлади.

Севган ўғлидан дом-дарак тополмаган ота — Пирмуҳаммаднинг юраги сорғиниш ўти билан ўртанар: икки кунинг бирида ялғиш-юғлиш тушлар кўриб чиқар эди.

Кунлардан бир кун эшикнинг зулфи қоқилиб қолди. Қопқа тубида жез қадалган барра қалпоқли, қора калта камзул кийган, чарм халта кўтарган, ўсиқ мўйловли серрайган бир киши турар эди.

Пирмуҳаммад бу важоҳатдаги кишидан жуда чўчиб кетди:

«Бу ким бўлди экан, ўғлини олиб кетган полиция деса, кийими ўхшамайди, қилич-қалқони йўқ».

Эшикка келган киши чолнинг қўрққанини сезди шекилли, юпатиб:

— Мен почтальонман, ота, мен сизга хат олиб келдим, мана олинг.

Хатни топшириб қайтиб кета бошлади.

— Тўхта, тўхта ука, бу қанақа хат, — деди чол. Почтальон «билмадим» дегандай елкасини қисиб йўлига кетаверди.

Ранги қув учиб кетган Пирмуҳаммаднинг қўлида конверт, нима қиларини билмай:

— Эй, худойим, тағин бу қанақа кўргулик эди, — дер эди. Ғоят ташвишланди. Хатни кўрсатмаган қўшниси қолмади. Ҳамма ҳам ҳайрон. Биттаси жуда ваҳма билан:

— Бу ҳойнаҳой қозидан келган чақириқ қоғоз бўлса керак, — деди.

Бошқаси бўлса:

— Йўқ, бу бултургидан қолган солиқнинг боқиманда қоғози, кунжара сотмай ўлинг,— деди.

Маҳаллада нима кўп, бекорчи, шалоқ оғиз, ҳазилкашлар кўп. Шулардан бири:

— Ҳей, баракалла, Пирмуҳаммад ота, бу никоҳ патта бўлсин, уйланганимга иккам қирқ йил бўлган-ку...» дерди.

Иш қилиб, унга келган бу хатни маҳалладагилардан бирор киши ўқиб ҳам, тушунтириб ҳам беролмади.

Хат кўтарганча шаҳар айланиб, жўялик одамларнинг йўлбошлаши билан гимназияга келиб кирди. Ана шу ерда десангиз, унга хатни тушунтириб бердилар. Ўғли Қулмуҳаммаддан экан, Псков деган шаҳардан экан, эсон-сог экан, тез орада дийдор кўришармиз — дебди. Бу хатни ўзи эмас, битта ўрус ўртоғи ёзиб берибди...

Мен Пирмуҳаммад отанинг оиласи билан танишман, гарчанд бу чол аллақачонлар дунёни тарк қилиб кетган. Мен унинг қайтиб келган ўғли Қулмуҳаммад билан бир курсда, 1917 йилдаги савод чиқариш курсида ўқиганман.

Пирмуҳаммадларнинг оиласи ўз маҳалласида энг шуҳратли оилалардан. Унинг бош набираси филология фанлари доктори, иккинчи набираси врач, қиз набираси алоқа инженери, учинчи ўғил набираси геолог.

Мен бу оила билан яқиндан танишман, лекин Пирмуҳаммад отанинг нечта эвараче-варалари борлигини аниқ билмайман. Ҳисобидан янглишиб кетаман. Улар чилнинг боласидай Тошкентнинг тўрт даҳасига тарқалиб яшайдилар. Мактабларда ўқийдилар, боғчаларда куйлайдилар.

БЎЗ ЛОЧИНИ...

БАҲОДИР МЕХАНИЗАТОР МАННОП ЖАЛОЛОВГА

Юрак меҳнат билан тепгани яхши,
Меҳнатсиз умрнинг қиммати бекор.
Меҳнатдан кўркамдир инсонлик нақши
Меҳнатдан топгандир одам эътибор.

Машина қудратин дилга жо қилиб,
Қанотли кўнгилдай чиқиб осмонга,
«Оқ олтин» қадрини дилидан билиб,
Йигит довруг солди жумла-жаҳонга.

Қадимий кенг Бўзнинг қақроқ ерлари
Узбек пахтазори аталур бу кун.
Бу ерга тўкилган меҳнат терлари, —
Заминида порлоқ, каттакон якун.

Машина сузади кўк денгизида,
Бу чексиз пахтазор юртнинг бойлиги.
Мўъжиза яралур йигит изида,
Пахта экиларнинг энг чиройлиги.

Неча тонналарни бир кунда териб,
Шараф байроғини кўтардинг баланд.
Машина устида кўкракни кериб,
Меҳрингни пахтага этолдинг пайванд.

Балли, шон яратган Маннап паҳлавон,
Пахтазор чаманнинг чиндан лочини.
Сен меҳнат постингда доимо омон,
Далага ёйолдинг кенг қулочингни.

Москва овози, Левитан сўзи
Сени улуғлайди бу ўзи шараф.
Сенга тикилгандир юртимнинг кўзи,
Шонларга бурканар сен юрган тараф.

Қадимий кенг Бўзнинг қақроқ ерлари,
Узбек пахтазори аталур бу кун.
Бу ерга тўкилган меҳнат терлари, —
Заминида порлоқ каттакон якун.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

«Сафаримиз муваффақиятли ва фойдали бўлди»

ДЕҲЛИ, 5 ноябрь. (ТАСС). Совет Иттифоқида икки ҳафта меҳмон бўлиб турганидан сўнг куни кеча Деҳлига қайтиб келган Ҳиндистон парламент аъзолари делегациясининг бошлиги, парламент ишлари министри Сатья Нарайан Синха ТАСС мухбирига бундай деди: Совет кишилари ва раҳбарлари бизни ғоят қизғин ва дўстона кутиб олганлигидан мамнун бўлдик. Ҳамма жойда, деди у, ҳинд халқига нисбатан жуда самимий дўстона туйғулар изҳор қилинганлигини кўрдик. Совет Иттифоқининг, жумладан, Осиё республикаларининг муваффақиятлари, деб таъкидлади министр, делегатларда жуда катта таассурот қолдирди. Биз бориб кўрган Осиёдаги Совет республикалари чинакам улкан муваффақиятларга эришганлар, деди у. Бизнинг сафаримиз батамом муваффақиятли ва фойдали бўлди. Бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ёрдам бериши шак-шубҳасиздир, деди Сатья Нарайан Синха пировардида.

● ● ● ●

Аден. Ёлланма полиция Англия мустамлака қўшинлари ёрдамида мустақиллик ва халққа ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришни талаб қилаётган тинч аҳолидан ўч олмоқда. Аденда кишилар оммавий равишда қамоққа олинаётир. Суратда: қамоққа олинган кишилар.

ЮПИ ТАСС фотоси.

БОШ АССАМБЛЕЯ СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 5 ноябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессияда комитетлар ўз ишини давом эттирмоқда. Социал, гуманитар ва маданий масалалар билан шуғулланувчи комитет кейинги кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро социал проблемалар соҳасидаги фаолиятини муҳокама қилмоқда. Бу масалага бағишланган мунозарада Польша, Италия, Саудия Арабистони, Япония, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия, Кения ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари сўзга чиқди. Кўп делегатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу соҳадаги ишидан ўзларининг қаноатланмаётганликларини айтдилар.

С. Дембинская (Польша) айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти социал соҳада очлик, саводсизлик, турмуш даражасининг пастлиги каби ҳамма кулфатларни фақат жамоаларни ривожлантириш йўли билан йўқотиш мумкин, деган нотўғри фикр билан иш кўрмоқда. «Ваҳолонки, деди Польша вакили — бу кулфатларни йўқотиш йўлини бошқа томондан қидириш — ҳаммани ёппасига ўқитишни, ҳамма учун соғлиқни сақлаш муассасалари очишни ва бошқа турли социал ислоҳотларни амалга ошириш томонидан қидириш зарур.

Жамил Борудий (Саудия Арабистони) қуролланиш пойгаси кўпгина мамлакатларда давлат бюджетининг 40-45 процентни қамраб олиб, мазкур мамлакатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётганлигига эътиборни жалб этди.

«Кичик мамлакатлар, — деди у, — катта давлатларга эргашиб, бу билан ўзларидаги социал ривожланишга зарар етказмоқдалар».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг социал органларидан конкрет маслаҳатлар ва тавсиялар берилишини, шунингдек мустамлакачилик ҳукмронлигининг оқибатини тугатишга ёрдам берадиган амалий ишлар қилинишини истаётган янги мустақил давлатларга асосий эътибор бериш зарурлиги тўғрисида музокараларда сўзга чиққан кишилар кўп гапирмоқдалар.

СССР вакили З. В. Миронова Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг социал органларини жаҳонинг кўп мамлакатларида социал ривожланишга тўсқинлик қилаётган ғовларни йўқотишга қаратилган самарали чоралар кўрмаётганлиги учун танқид қилди.

Совет Иттифоқининг вакиласи социал ривожланишни планлаштириш тўғрисида иқтисодий ва социал кенгашнинг кейинги сессиясида Совет Иттифоқининг ташаббуси билан бўлган резолюцияни эслатиб ўтди. Шу резолюцияда турли социал-сиёсий системалардаги давлатларнинг ривожланиш планларини чуқур анализ қилиб чиқиш ва шу анализлардан хулосалар чиқариш ҳамда фойдали тавсияномаларни ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор берилган эди.

НАВБАТДАГИ ЎЛДИРИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 5 ноябрь. (ТАСС). Доминикана Республикасида террор давом этмоқда. ЮПИ агентлигининг хабар беришига кўра, 3 ноябрда Санто-Домингода конституциячилар ҳукуматининг собиқ президенти полковник Франсиско Кааманьонинг ёрдамчиси Майор Луис Ариас ваҳшийларча ўлдирилди. Шу билан кейинги икки ҳафта ичида 5 киши ўлдирилди. Марҳумнинг ўқ еб, пичоқ урилиб 40 жойидан яраланган жасади денгиз соҳилидан топиб олинди. Ариас, деб таъкидлайди агентлик, сиёсий адоват билан ўлдирилган.

Франция ўтказиладиган президент сайловларига доир

ПАРИЖ, 5 ноябрь. (ТАСС). Президент Де Голль 5 декабрда ўтказиладиган сайловларда Франция президентлигига яна ўз номзодини қўймоқчи эканлигини айтди. У, шундай ниятда эканлигини кеча кечқурун радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқида эълон қилди.

Сўнмас машъала

Қўқон шаҳрида Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва гражданлар уруши қатнашчилари қурбонларидан 72 кишига абадий хотира обелиски ва абадий сўнмас машъала ўрнатилди. Ана шу 72 киши Фарғона водийсида ўтли кураш орасида жанг қилиб, совет ҳокимияти учун курашга ўз ҳаётларини бағишлаган эдилар.

Хотира обелиски ва сўнмас машъала очилишига бағишланган митингда сўзга чиққан тўқоқлар ана шу мард кишилар тўғрисида самимий юрак сўзларини айтдилар.

Ф. ХЎЖАЕВ.

1965 ЙИЛ 7 НОЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1965 йил 7 ноябрь, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги байрами кунида қўшинлар паради тугагандан сўнг В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Намойиш эрталаб соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари ўз корхоналара, муассасалари бўйича йиғилиш пунктларига тўпланадилар ва район колонналарида белгиланган маршрут бўйича Ленин номидаги майдонга қараб юрадилар.

Пропускаси бўлган гражданлар Ленин номидаги майдонга пропускда кўрсатилган пунктлар орқали соат 9 дан 45 минут ўтгунча қўйиладилар.

Махсус пропускаси бўлган автомашиналар соат 9 дан 45 минут ўтгунча қўйиладилар.

ШАҲАР ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ КОМИССИЯСИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТИНГЛАНГ ВА ТОМОША ҚИЛИНГ

РАДИО

7 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 19.00, 19.15, 19.50, 22.00 — Сўнгги ахборотлар.

8.15 — Қўшиқ ва маршлар. 7.15 — СССР Мудофаа министрининг буйруғи (ўзб.). 7.20 — Маршлар. 7.30 — СССР Мудофаа министрининг буйруғи (тож.). 7.35 — Маршлар. 8.15 — Дўстлар табриги (ўзб., рус.). 8.30 — Концерт. 9.15 — Байрам қўшиқлари. 9.30 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги муносабати билан Ленин номли майдондан ҳарбий парад ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши олиб эшиттирилади. 12.30 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги муносабати билан Қизил майдондан ҳарбий парад ва Москва шаҳар меҳнаткашларининг намойиши олиб эшиттирилади. 15.00 — Концерт. 17.00 — Адабий музикали композиция. 17.30 — Ҳамма рақсга. 18.00 — «Ёш лик» радиостанцияси. 18.40 — Адабий музикали композиция (қоз.). 19.25 — Вальс кечаси. 20.00 — «Кулги—чехранинг гули» радиожурналининг байрам сони. 21.15 — Пахтакорлар учун концерт. 22.10 — Эстрада концерти. 23.00 — Эшиттиришлар программаси. 23.10 — Эстрада концертининг давоми.

8 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 18.40, 19.00 19.50, 22.00 23.00 — Сўнгги ахборотлар. 6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика (ўзб.). 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 7.45 — Ўзбек куйлари. 8.25 — Байрам қўшиқлари. 9.15 — Куйлар. 9.45 — Экран янгиликлари (рус.). 10.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 11.10 — «Нафосат даврасида» (ўзб.). 12.15 — Эрталабки салом (Москва). 13.00 — Чорвадорлар учун концерт. 13.30 — Янги эстрада куйлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 15.20 — «Дугоналар» радиожурнали (ўзб.). 16.00 — «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Тбилиси) командалари ўртасида футбол. 17.00 — «Юность Узбекистана» радиостанцияси. 17.40 — Рақс ритмлари. 18.00 — Музикали Тошкент» радиожурнали. 18.50 — Музикали танаффус. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — Концерт. 20.40 — Рақсга таклиф. 21.20 Ҳозирги замон ўзбек куйлари. 22.10 — Концерт. 23.10 Концертнинг давоми.

9 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00. 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Ўзбек халқ куйлари, 9.30 — Чанг пьесалари, 9.45 — Янгича методлар — янгича перспективалар (тож.). 10.10 — Соловьёв-Седой куйлари, 10.30 — Қўшиқлар. 11.10 — Партия маорифи системасида янги ўқув йили олдидан (рус.). 11.15 — Концерт. 12.15 — Спорт эшиттириши (ўзб.). 12.30 — Концерт. 13.00 — Чорвадорлар учун (ўзб.). 13.40 — Эстрада концерти. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.00 — «Правда» газетасининг обзори (ўзб.). 16.15 — Саодат Қобилова (концерт-очерк). 18.10 — Қўшиқлар. 18.30 — Симфоник куйлар, 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Манфаатдорлик — мўл-кўлчилик асоси (рус.). 20.10 — Чайковский асарлари. 20.45 — Осойишталик посбонлари. 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 22.00 — Телетайп лентасидан (ўзб.). 22.00 — Рақсга таклиф. 22.40 — «Бир оқшомда» (рус.). 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.20 Дам олиш кечаси. 24.00 — Концерт.

8 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — **Хушчақчақ давра** (болалар учун).

11.35 — **Кўринмас Пети** (мультфильм).

12.40 — **Узбек цирки.**

14.30 — **Куйлардан куйларга.**

15.00 — **«Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Тбилиси) командалари ўртасида футбол,** танаффус вақтида — Фитиль сатирик киножурнали.

18.00 — **Светлячок, Сўнгги мўри тозаловчи** (болалар учун мультфильмлар).

18.25 — **Эстрада усталари концерти.**

19.05 — **Балет юлдузи** (бадиий фильм).

20.20 — **Байрам концерти** (Ўзбек, рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

9 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Моҳир қўллар** (телефильм).

Ўзбек тилида: 12.35 — **«Колумб» кема юнгаси** (бадиий фильм), 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 18.25 — **«Оқ олтин» ўлкаси қўшиқлари.**

18.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 19.00 — **Телевизион янгиликлар,** 19.15 — **Менинг милициям** (эшиттириш ва концерт), 20.05 — **Михаил Жаров.**

Ўзбек тилида: 21.15 — Катта йўл (кинокомедия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Нарсалар ҳикояси** (болалар учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари,** 18.45 — **Атом ҳисоби** (илмий оммабоп фильм), 19.05 — **Неваралар** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Янги қурилишларда,** 20.55 — **Тошкент янгиликлари,** 21.05 — **Милициядаги воқеа** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7, 8/XI да кундуз ва кечқурун **Катта байрам концертлари,** 9/XI да кундуз **Русалка,** кечқурун **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XI да кундуз ва кечқурун **Сарвқомат дилбарим,** 8/XI да кундуз ва кечқурун **Қотил,** 9/XI да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XI кундуз 12 да **Жон қизлар,** кундуз 4 да **Катта концерт,** кеч 7 да **Тошболта ошиқ,** 8/XI кундуз 12 да **Ўғил уйлантириш,** кундуз 4 да **Катта концерт,** кеч 7 да **Ишқинг билан.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 7/XI кундуз соат 3 да, 8/XI кундуз 1 да **Концертлар.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров,** солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг иштироки** билан **Катта томошалар.**

КИНО

Елғизлик (1 ва 2-серия) — «ИСКРА», СОБИР РАҲИМОВ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Осиё устида бўрон — «ЕШ ГВАРДИЯ», «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 яримгача), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб 10 ва кундуз 4 да ўзбек тилида).

Унутилган ота-болалар сояси — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Чапаев — «ЎЗБЕКИСТОН (эрталаб соат 10 да), НАВОИЙ номли (эрталаб 9-20 минутда).

Тепамизда Жанубий крест (кундуз соат 1 ва 3 да), **Оптимистик трагедия** (кундуз 5 да). **Бўрон** (кундуз ва кечқурун) — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ЙИЛЛИГИ».

Ер фарзанди (кундуз соат 2 ва кеч 7 да ўзбек тилида), **Дорбозлар** (эрталаб 11, кундуз 12 ярим ва 5 яримда ўзбек тилида). **Штепсель Тарапуньканн уйлантиради** (кундуз 4, кеч 8-40 минут ва 10 да) — НАВОИЙ номли.

Узоқ юлдуз нури (кундуз соат 2 ва кеч 10 да), **ЧК ходими** (кундуз 5 да) — «МОСКВА».

Кимсиз, доктор Зорге? — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Эшик тутқичли комедия — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Жиннилар суди — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 ярим, 9 яримда).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.20 — **Ташкил топган кунинг муборак, Советлар Ватани!**

10.00 — **Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Узбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намойиши** (Тошкентдаги В. И. Ленин майдонидан).

15.00 — **Октябрни шарафлаймиз** (болалар учун ўзбек тилида).

15.40 — **Мультфильм.**

16.00 — **Ер-ёр** (ўзбек тилида кинокомедия).

17.15 — **Дўстлар эстрадаси.**

18.00 — **Ёшлар бали** (ўзбек тилида).

19.30 — **Қисқа метражли комедия фильмлари.**

20.30 — Табассум ҳамроҳингиз бўлсин (ўзбек тилида адабий-музикали эшиттириш).

22.30 — **Голубой огонек.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА.

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Комунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347 Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 262. ИНДЕКС 64543. Р. 01311